O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA | 32 (138)-сон, 2006 йил 17 август | www.21asr.com

ЖАРАЁН



3 Бугун гулистонликлар яқин ва узоқ хорижга маҳсулот экспорт қилаётган корхоналарда ишлаётганликлари билан фахрланмоқдалар

ИСЛОҲОТ

4 «Микрокредитбанк» мижозлари сони 50 мингтадан ошиб кетди.



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

9 Россия собиқ иттифоқнинг барча қарзларидан буткул қутулиш арафасида

Иқтисодий ҳамкорликнинг муҳим омили

Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар раҳбарлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида норасмий учрашувга йиғилдилар. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Арманистон Республикаси Президенти Роберт Кочарян, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Қурманбек Бакиев, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов ҳамда кузатувчи сифатида Украина Бош вазири Виктор Янукович иштирок этди.

СОЧИ, 16 август
(ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Учрашувда Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида Божхона иттифоқини тузишга оид масала асосий муҳокама мавзуи бўлди.

Томонлар ҳамжамиятни ривожлантириш йўллари юзасидан фикр алмашдилар.

Саммитда, шунингдек, ҳамжамиятнинг умумий энергетика бозорини барпо этиш, сув-энергетика консорциумини тузиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Президентлар хавфсизлик борасидаги ҳамкорликка оид масалаларни ҳам муҳокама қилдилар. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти Бош котиби Григорий Рапота ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти Бош котиби Николай Бордюжанинг ҳисоботлари тингланди.

Учрашув якунида ўтказилган матбуот анжуманида музокарада, аввало, Божхона иттифоқининг истиқболлари юзасидан фикр алмашилгани маълум қилинди. Бу борада аъзо давлатларда кўрилаётган тайёргарлик ишлари сарҳисоб этилди.

Қайд қилинганидек, томонлар умумий энергетика бозорини шакллантириш борасида ҳамфикр. Хусусан, атом энергетикасини ривожлантиришда, Марказий Осиёда сув ресурсларидан унумли фойдаланишда ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилган. Маълумки, сувдан фойдаланиш масаласи "Марказий Осиё ҳамкорлиги" ташкилоти доирасида муҳокама қилинар эди. Ташкилотнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан қўшилиши кўрилаётган масалага янада кенгроқ кўламда ёндашиш имконини берди.

Сочи учрашувида Божхона иттифоқини тузиш ғояси амалиётга кўчгани маълум қилинди. Ҳозирча бу иттифоқ Россия, Беларусь ва Қозоғистон ўртасида амал қилади. Ҳамжамиятга аъзо бошқа давлатлар ўз қонунчилигини Божхона иттифоқига мослаштирганидан сўнг унга қўшилади.

Музокарада Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу икки тузилманинг Минскда ўтган аввалги саммити чоғида Ўзбекистон Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотидаги фаолиятини давом эттириши эълон қилинган эди. Сочи учрашувида президентлар Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга аъзолигини расман тасдиқловчи ҳужжатни имзоладилар.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов хавфсизликни таъминламай иқтисодиётни, давлатлараро интеграция жараёнларини ривожлантириш қийинлигини ва Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти билан Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти бир-бирини тўлдирувчи тузилмалар эканлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти ўз қароргоҳида Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди. Суҳбат чоғида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларга доир масалалар муҳокама қилинди. Томонлар Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссиянинг мажлисини ўтказишга, нефть-газ саноати соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Ислом Каримов ва Виктор Янукович Ўзбекистон билан Украина кўплаб соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиш учун катта имкониятларга эга эканлигини таъкидладилар. Масалан, Украинанинг Ўзбекистондаги нефть- газ конларини тадқиқ этишга қизиқиши бор. Томонлар сармоявий ҳамкорликдан ҳам манфаатдор.

Президентларнинг мазкур норасмий учрашуви Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ва Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилотига аъзо мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

Солиҳ ЗОИР олган суратлар

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Хорижий давлатлар билан ўзаро тенгҳуқуқли ва манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилди. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик туфайли хорижий инвесторлар ўз сармояларини киритиб, эмин-эркин фаолият юритишмоқда. Жумладан, россиялик инвесторлар ҳам юртимизда кўплаб корхоналар барпо этишмоқда. Ана шундай йирик корхоналардан бири "Wimm-Bill-Dann Toshkent" ҳисобланади. У 2005 йилда, Ватанимиз мустақиллигининг 14 йиллиги байрами арафасида ишга туширилган.

Корхонада ойига 300-350 миллион сўмлик 20 хилдан ортиқ сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда ишлаб турган ускуналар Италия, Германия ва Россиядан келтирилган. Корхонада 125 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Эътироф

Ўзбекистонга ҳавас билан қарамоқдалар

Сажжад Камрон, Покистон Ислом Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Куни-кеча Покистон халқи истиқлолнинг 59 йиллигини кенг нишонлади.
Ўзбекистон каби Покистон ҳам мустақилликка узоқ қийинчиликлар натижасида эришди. Биз ривожланишнинг машаққатли йўлини босиб ўтдик. 59 йил тарих учун унчалик катта давр эмас. Ўтган йиллар мобайнида давлатимизни йўқ жойдан бунёд қилдик. 15 йил эса жуда қисқа давр.

Шунга қарамай, бугун Ўзбекистон эришган оламшумул ютуқларни халқаро ҳамжамият эътироф этмоқда. Олайлик: Осиё ва Африканинг ўнлаб ривожланаётган мамлакатларига халқаро майдонда мустақил сиёсат юритиши, бошқалар томонидан эътироф этилиши учун бир неча ўн йилликлар керак бўлган. Шу маънода давлатингизга ён-атрофдагилар ҳавас билан қараётгани бежиз эмас. Мен Ўзбекистон ҳали бундан-да юқори ютуқларга эришишига, умуман унинг келажагига ишонаман.

Зеро, Ўзбекистон бунёдкорлик, яратувчилик йўлидан бормоқда. Мамлакат мустақиллигининг мустаҳкамланишида Президент Ислом Каримов олиб бораётган ички ва ташқи сиёсат муҳим ўрин тутади, деб ўйлайман. Бу сиёсат умуминсоний қадриятларга садоқат, аҳил қўшничилик, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаб қолиш, фаровонлика эришиш каби тамойилларга асосланишда намоён бўлмоқда.

Сўнгги йилларда давлатларимиз ўртасида ўзаро тушуниш ва ҳамкорликка асосланган муносабатлар тобора мустаҳкам ва собит тусга кириб бормоқда. Парвез Мушаррафнинг Ўзбекистонга, Ислом Каримовнинг Покистонга ташрифлари бунинг яққол исботидир. Шу билан бирга муносабатлар фақат ҳукуматлар даражасидагина ривожланмаётганлигига эътиборингизни қаратмоқчи эдим. Халқларимиз ҳамкорлик қилишга интилмоқдалар, маданий-илмий алоқалар кучаймоқда. Яқинда эса Тошкент-Лаҳор-Тошкент йўналишида авиақатнов йўлга қўйилди.

Шу ўринда иқтисодий ҳамкорлигимизни янада ривожлантиришимиз зарурлигига эътиборни қаратмоқчиман. Бунинг учун мамлакатларимиздаги мавжуд имкониятлар, салоҳиятлар билан тадбиркорларимизни, ишбилармонларимизни яқиндан таништиришимиз керак. Яна бир нарса: чегараларимизни боғлаб турувчи Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилмас экан, биз ўзаро ҳамкорлик йўлидаги имкониятларимизни тўлалигича ишга сололмаймиз. Бу яна бир маротаба хавфсизлик ва барқарорлик йўлида ҳамкорлик қилишимиз кераклигини кўрсатади.

Ўзбекистон аҳли ўзи учун ниҳоятда қадрли ва азиз байрам — мустақилликнинг 15 йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Фурсатдан фойдаланиб, мен ўзбекистонликларни чин дилдан табриклаб қоламан.

Узоқ ва яқин хорижда

Ичимли сувни тежашга даъват

Яқин келажакда ичимли сув танқислиги бутун дунё миқёсида асосий муаммога айланиб қолиш хавфи туғилмоқда. Чунки ҳозирги пайтда Ер куррасидаги йирик шаҳарлар ўрнини тўлдириш имконидан кўпроқ ҳажмда сувни сарфлаб юборишаяпти.

Умумжаҳон Ёввойи табиатни қўриқлаш фондининг маърузасида таъкидланишича, иқлимнинг ўзгариши ва сув ресурсларини нотўғри бошқариш натижасида ривожланган мамлакатлар тобора кўпроқ сув танқислигига дуч келмоқдалар.

Сидней ва Хьюстон сингари жуда бой шаҳарлар, дейилади маърузада, ўрнини тўлдириш имконидан кўпроқ миқдордаги сувни истеъмол қилишаяпти. Лондон каби бошқа катта шаҳарлар эса чириган қувурлар ва эскириб қолган инфратузилмалардан кўплаб сув оқиб чиқаётгани боис, катта миқдордаги оби ҳаётни исроф қилиб юбормоқдалар. Фонд маълумотларига қараганда, Британия пойтахтида ҳар куни 300 та Олимпиада чўмилиш ҳавзасини тўлдиришга етадиган сув беҳуда сарфланаяпти.

Фонд бутун дунё миқёсида оби ҳаётдан тежамли фойдаланиш ва мавжуд сув ресурсларини тежашга даъват этди.

Coca-Cola ва PepsiСодан юз ўгирмоқдалар

Ҳиндистон бизнесменлари Coca-Cola ва PepsiCo маҳсулотларининг тақиқланишидан ташвишга тушиб қолишди. Уларнинг фикрича, бундай ҳолат мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деб ёзади New York Times.

Бир қатор бирлашмалар жаҳон бозори етакчиларининг ичимликларини тақиқлаш ҳақида қабул қилинган қарор потенциал инвесторларни, айниқса америкаликларни чўчитиб юбориши мумкин, деган баёнот билан чиқишди. Шунга қарамай, Ҳиндистоннинг олтита штатида Coca-Cola ва PepsiCo маҳсулотлари тўлиқ ёки қисман тақиқлаб қўйилди. Мамлакатдаги Center for Science and Environment ноҳукумат ташкилоти 2 август куни эълон қилган ҳисоботда Coca-Cola ва PepsiCo компанияларининг ичимликлари таркибида инсон саломатлиги учун хавфли пестицидлар кўплигини кўрсатиб ўтди. Компаниялар эса бундай ичимликлар хавфсизлиги ва жаҳон стандартларига мувофиқлигини таъкидлашаяпти.

Coca-Cola ва PepsiCo компанияларининг Ҳиндистон алкоголсиз ичимликлар бозоридаги салмоғи деярли 80 фоизни ташкил этади. Бошқача айтганда, бу - 2 миллиард доллар деган гап.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 15 августдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/

1 Австралия доллари	941,57	1 Миср фунти	213,77	1 Польша злотийси	406,10	10 Жанубий Корея вони	12,71
1 Англия фунт стерлинги	2323,73	1 Исландия кронаси	17,33	1 СДР	1822,93	10 Япония иенаси	105,51
1 Дания кронаси	209,71	1 Канада доллари	1093,15	1 Туркия лираси	846,69	1 Россия рубли	45,81
1 БАА дирҳами	334,15	1 Хитой юани	153,64	1 Швейцария франки	990,54	1 Украина гривнаси	243,03
1 АҚШ доллари	1227,28	1 Малайзия рингити	333,27	1 ЕВРО	1563,92		

2006 йил 17 август
Пайшанба
32 (138) -сон
www.21asr.com
XASR

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

АДОЛАТЛИ қонунлар давлатнинг бузилмас пойдеворидир

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ

Кеча Олий Мажлис қуйи палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси ўз ишини бошлади. У "2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги Конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун лойиҳасининг биринчи ўқишдаги муҳокамаси билан бошланди. Лойиҳа Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси томонидан тайёрланган. Мазкур конвенциянинг 16-моддасига кўра, ҳамжамият ва унинг мансабдор шахслари ўз вазифаларини бажаришлари ва қўйилган мақсадларга эришиш учун зарур имтиёз ва иммунитетларга эга. Ҳужжат депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилингандан сўнг, кўпчилик овоз билан қабул қилинди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Ўз мухбиримиз

Шундан сўнг "1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур шартнома Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг асосий ҳужжатларидан биридир. Шартнома товарларнинг ташқи савдосини тартибга солиш, божхона процедураларини уйғунлаштириш, ягона товарлар, хизматлар, капитал ва меҳнат бозорини шакллантириш каби масалаларни ўз ичига олади. Ана шу вазифаларни тўлиқ амалга ошириш учун ягона иқтисодий ҳудудни яратиш талаб қилинади.

Масаланинг нечоғли муҳимлигини инобатга олиб, қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Мажлисда шунингдек, "2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги баённомани ратификация қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир мамлакат ўз хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётини юксалтириш учун авваламбор қўшни давлатлар билан мустаҳкам алоқалар ўрнатиши лозим.

Айниқса, халқаро терроризмга қарши кураш, наркотик ва психотроп моддалар ва қурол-яроғ воситаларининг ноқонуний айланишининг олдини олишда Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамкорлиги жуда катта аҳамият касб этади. Шу боис лойиҳа муҳокамадан сўнг қабул қилинди.

Шундан сўнг депутатлар эътиборига яна бир ҳужжат "2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида (Россия Федерацияси) имзоланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги баённомани (2006 йил 15 июнь, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси ҳавола этилди. Хартиянинг моддалари ташкилотнинг ижроия органи, яъни котибият ва бош котибнинг ролини оширишга қаратилган. Депутатлар масаланинг долзарблигини таъкидлаб, уни биратўла учинчи ўқишда қабул қилиш таклифини илгари суришди. Бу барча депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Ялпи мажлиснинг биринчи кунида муҳокама қилинган сўнгги ҳужжат "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳасидир. Ўзгартиришлар мазкур қонуннинг 3,8 ва 10-моддаларига, яъни божхона марказий аппаратини такомиллаштириш, кадрлар тайёрлаш каби моддаларга қаратилгандир. Лойиҳа депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди. Ялпи мажлис бугун ўз ишини давом эттиради.

Фракция йиғилишларида

14 август куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси олдидан O`zLiDeP фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Феруза ЭГАМОВА

Унда "2001 йил 31 майда Минскда имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятининг имтиёзлари ва иммунитетлари тўғрисидаги конвенцияга Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги, "1999 йил 26 февралда Москвада имзоланган Божхона иттифоқи ва ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги, "2003 йил 21 февралда Москвада имзоланган Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ташқи чегараларини қўриқлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартномага Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида"ги, "2002 йил 7 июнда Санкт-Петербург шаҳрида имзоланган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Хартиясига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги Баённомани (2006 йил 15 июнь, Шанхай) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Давлат божхона хизмати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳалари муҳокама этилди.

Депутатлар, шунингдек, кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар.

• • •

Кеча фракциянинг вазирлик, идора ва муассасалар вакиллари иштирокидаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролик кодекси"га ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги, "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг кучайтирилганлиги муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Маъмурий процедуралар тўғрисида"ги қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Йиғилиш аввалида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 11 август куни бўлиб ўтган мажлисида маъқулланиб, қабул қилинган 2007 йилга солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришнинг асосий ёндашувлари ва йўналишлари лойиҳаси ҳамда унинг концепцияси муҳокама этилди.

Фракция аъзолари ушбу концепцияни тўла ёқладилар. Келгуси йилга солиқ сиёсати август ойидаёқ ишлаб чиқилганлигини, солиқ солишнинг янги шартлари билан олдиндан танишиш имконияти эса ишлаб чиқариш ва инвестиция фаолиятини режалаштириш нуқтаи-назаридан партиянинг асосий электорати ҳисобланган хўжалик юритувчи субъектлар, тадбиркорларнинг кенг қатламлари учун айниқса, муҳимлиги алоҳида қайд этилди.

Депутатлар, шунингдек, "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида" қонун қабул қилиниши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳужжатни иккинчи ўқишда, "Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилгани муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс"нинг 241-моддаси ва "Фуқаролик кодекси"нинг 44-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини муҳокама қилдилар.

Депутатлар эътиборига тақдим этилган яна бир лойиҳа — "Маъмурий процедуралар тўғрисида"ги ҳужжат ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Давлат органларининг бошқарув фаолияти давлат фаолиятининг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларнинг аниқ тартибга солинганлиги эса ҳуқуқий давлатнинг муҳим омилидир.

Ҳозирги кунда қонун билан мустаҳкамланган меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш тартиби ҳамда унинг босқичларини белгиловчи ягона қоида мавжуд эмас. Бу бўшлиқ асосан идоравий манфаатларни кўзловчи турли йўриқномалар, низом ва ҳужжатлар билан мувофиқлаштириб келинмоқда.

Депутатлар қабул қилинажак қонуннинг асосий вазифаси маъмурий қарорни холисона қабул қилиш учун ҳуқуқий шароитлар яратишдан иборат бўлиши зарур, деган хулосага келдилар.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР, ВОҚЕАЛАР

O`zLiDeP Матбуот хизмати хабар қилади

Сен ёлғиз эмассан, фермер!

Фарғона. O`zLiDeP вилоят кенгаши ва Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси вилоят бўлими томонидан ўтказилган йиғилишда кун тартибига фермерлик ҳаракатини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш масаласи қўйилди.

Унда партиянинг фаоллари, фермерлар, Фермер хўжаликлари уюшмаси шаҳар ва туман бўлимлари раҳбарлари иштирок этишди. ЎзФХУ иқтисод бўлими бошлиғи М. Йўлдошев, уюшманинг вилоят филиали раҳбари О. Ибрагимов, O"zLiDeP вилоят кенгаши ижроия қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари F. Абдуллаев, партия кенгаши ҳузуридаги Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Ш.Мелибоев сўзга чиқиб, фермерлар олдида турган долзарб масалалар хусусида фикр юритдилар. Мавжуд муаммоларни ҳуқуқий йўл билан бартараф этиш юзасидан қимматли таклифлар ўртага ташланди.

Йиғилишда партия вилоят кенгаши ва Фермерлар уюшмаси вилоят бўлимининг олти ойлик ҳамкорлик фаолияти сарҳисоб қилинди. Тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш маркази фаолиятига оид ахборотлар тингланди. Юзга яқин киши қатнашган бу тадбир қизғин баҳс-мунозаралар билан ўтди.

Очиқ мулоқот тарзида

Сурхондарё. O`zLiDeP вилоят ва Денов туман кенгашлари "Лочин" саломатлик марказида Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган "Мустақиллигимиз абадий бўлсин!" шиори остида оммавий тадбир ўтказдилар.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган бу йиғилишда партия фаоллари, тадбиркорлар ва ишбилармонлар иштирок этишди. Тадбир давомида Президентимиз томонидан тадбиркорлик муҳитини яратиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар, сўнгги йилларда текширишлар сонини кескин камайтириш, турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш юзасидан қабул қилинган қонун ва қарорлар хусусида батафсил фикрлашиб олинди.

Тадбир сўнгида маҳаллий санъаткорлар ўз истеъдодларини намойиш қилиб, даврага файз киритдилар.

Халқ ижоди — қайнар булоқ

Хоразм. Шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, хонандалар, қўйингки, барча ижодкорлар Ватанни мадҳ этувчи энг яхши асарлар яратиш орзусида яшашмоқда. Юрт ҳақида дилбар қўшиқ эшитиш эса ҳар бир кишига олам-олам завқ бағишлайди.

Партиянинг Янгибозор туман кенгаши томонидан Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллиги муносабати билан туман марказий боғида "Қўшиғимдасан, Ватан!" кўрик-танлови ўтказилди. Ҳаваскор хонандалар юртга муҳаббат ва садоқат мавзуидаги қўшиқларни ижро этишди.

Голибларга партиянинг туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари топширилди. Байрамда мингга яқин одам иштирок этди.

Кун тартибида: аёллар муаммоси

Тошкент шаҳри. Минтақавий стандартлаштириш ва сертификатлаштириш марказининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб, "Аёл ва ҳуқуқ" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир O`zLiDeP Тошкент шаҳар ва Собир Раҳимов туман кенгашлари, "Ўзстандарт" Тошкент шаҳар бошқармаси бошланғич партия ташкилоти ва туман Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар аёлларнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, оилада уларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, қонунчиликда хотин-қизлар ҳуқуқини муҳофаза этиш юзасидан бир қатор қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Шунингдек, Оила кодекси, Никоҳ шартномаси ва оила қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил фикр юритилди.

Мазкур тадбир унинг иштирокчиларида яхши таассурот қолдирди.

ТАДБИР

«Сиз кутган учрашув» кўнгилли ўтди

Раъно ХОЛИҚОВА

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги ҳамда Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан O`zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши Бўстонлиқдаги "Оқтош" сиҳатгоҳида "Сиз кутган учрашув" деб номланган тадбир ўтказди. Унда партия фаоллари, тадбиркорлар ва фермерлар иштирок этишди. Гўзал табиат қўйнида ўтказилган мулоқот чоғида юртимизда ўтган 15 йил мобайнида эришилган муваффақиятлар, мамнуният билан тилга олинди. Аёлларнинг нафақат оила, балки жамиятдаги мавқеини янада ошириш, уларни ижтимоий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида жойларда партия ташкилотлари амалга ошириши лозим бўлган вазифалар атрофлича муҳокама этилди.

Тадбир якунида вилоятнинг таниқли санъаткорлари томонидан концерт намойиш этилди.

Миннатдорлик

"XXI asr" газетасининг 10 август, 31(137)-сонида чоп этилган "Хунук оқибатларнинг олди олинди" сарлавҳали мақолани ўқиб, жуда ҳурсанд бўлдим ва мушкул аҳволга тушиб қолганимизда яқиндан қўллаб-қувватлаган O`zLiDeP раҳбарияти ва газета таҳририятига ўз миннатдорчилигимни билдиришни лозим топдим.

Кўмак ва ҳимоя учун раҳмат!

Дилбар АЛИМХЎЖАЕВА,
O`zLiDeP аъзоси

Мен 1998 йилда Оҳангарон шаҳрининг Буюк Ипак йўли кўчасида умумий овқатланиш корхонасини ташкил қилганман. Дастлаб 8 киши билан иш бошлагандик. Айни пайтда жамоамизда 70 нафар ишчи-хизматчи фаолият юритаяпти.

Июль ойининг охирларида шаҳар газ идорасидан ёнилғи беришни тўхтатиш тўғрисида огоҳлантиришди. Бундан ташвишга тушиб, партиямизнинг Оҳангарон шаҳар кенгаши раиси Ш. Комиловга учрадим. Менгача ҳам бир неча тадбиркор партия кенгашига мурожаат қилган экан. Ш. Комилов шаҳар кенгаши аъзолари ва партия фаолларини чақириб, йиғилиш ўтказди. Унда биз - тадбиркорлар ҳам иштирок этдик. Шаҳар кенгаши ташаббуси билан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, O`zLiDeP раҳбариятига тақдим этилди.

Сўнгра масала турли мутасадди идораларда атрофлича ўрганиб чиқилиб, бизнинг фойдамизга ҳал этилди. Воқеа тафсилотлари эса партиямиз нашри - "XXI asr" газетасида батафсил ёритилди. Бундан биз - оҳангаронлик тадбиркорларнинг боши осмонга етди.

Ўз вақтида берилган амалий ёрдам учун катта раҳмат!

КЕЛАЖАКНИ яратишга ҳеч нарса дадил орзулардек кўмаклашмайди

ЖАРАЁН

МУЛОҚОТ

Истиқлол шарофати

Гулистон шаҳар ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзоси Исроил ЭРБЕКОВ "XXI asr" мухбири саволларига жавоб беради.

Суҳбатдош: Примқул ДЎСТМАМАТОВ

— Исроил Йўлдошевич, ҳар бир шаҳарнинг ўз тарихи, ўзига хос жиҳатлари бўлади. Гулистон ҳам бундан мустасно эмас. Газетхонларимизга аввало шаҳар ҳақида қисқача маълумот берсангиз.

— Гулистон ёши жиҳатидан мамлакатимиздаги энг кенжа шаҳарлардан бири ҳисобланади. Аҳоли сони ҳам у қадар кўп эмас. Лекин аслида шаҳарлар мавқеи катта-кичиклиги ёки аҳоли сони билангина белгиланмайди. Аксинча, бошқа шаҳарларга ўхшамаган ўзига хос томонлари билан эътиборга молик бўлади. Масалан, чўлқуварлар шаҳри дейилганда, биринчи навбатда Гулистон назарда тутилади. Ваҳоланки, бир пайтлар Жиззах, Қашқадарё вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, қолаверса, юртимизнинг деярли барча вилоятларида ҳам қўриқ ерлар ўзлаштирилган ва шу баҳонада катта-кичик шаҳарлар пайдо бўлган. Юртимизнинг турли ҳудудларидан ишлаш учун бу ерга келган кўплаб ишчи-хизматчилар кейинчалик муқим яшаб қолишган. Гулистон эса айнан Мирзачўлнинг ўзлаштирилиши туфайли юзага келгани боис ҳам эл орасида ҳамон чўлқуварлар шаҳри номи билан машҳур. Энг қизиғи — ҳозирги пайтда вилоят ҳудуди тўлиқ ўзлаштирилган бўлса-да, гулистонликлар ўзларини ҳамон чўлқувар деб билишади ва бундан фахрланишади.



— Ваҳоланки, бугунги Гулистон ўтган асрнинг сўнгги чораги ва ҳатто XXI асрнинг бошларидаги шаҳарга бутунлай ўхшамайди...

— Бу Истиқлол шарофатидандир. Собиқ тузум даврида Гулистон, гарчи вилоят маркази мақомига эга бўлса-да, инфратузилмаси, шарт-шароити, ҳатто ташқи кўриниши жиҳатидан ҳам бундай талабга тўлиқ жавоб бермасди. Маъмурий идоралар, вилоят театрини ҳисобга олмаганда, катта шаҳарларга хос, диққатга сазовор бирон-бир иншооти йўқ эди.

Энди-чи? Бугун гулистонликлар нафақат мамлакатимизда танилган, балки яқин ва узоқ хориж давлатларига маҳсулот экспорт қилаётган "Сайхунмедтекс" Ўзбекистон-Швейцария, "Сарбон-текс" Ўзбекистон-Испания, "Лола-модель" Ўзбекистон-Туркия-Америка, "Лечевофармсаноат" Ўзбекистон-Чехия қўшма корхоналари, "Гулистонёғэкстракция" акциядорлик жамияти каби йирик корхоналарда ишлаётганлари билан ҳам фахрланадилар. Фаолияти тўхтаб қолган Гулистон тажриба-механика заводида яна қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқарила бошлангани эса, Истиқлолимизнинг 15 йиллигига арзигулик совға бўлди.

— Бундан икки йилча муқаддам Юртбошимиз ерости сизот сувларининг кўтарилиши муаммосини ҳал этиш ҳақида кўрсатмалар бергандилар. Ана шу масала бўйича қандай талбирлар белгиланди?

— Ҳақиқатан ҳам бу масалага Юртбошимиз алоҳида эътибор қаратганларидан сўнг аҳволни ўнглаш учун республика ҳукумати катта миқдорда маблағ ажратганди. Айни пайтда ҳам вилоят марказида олиб борилаётган ишлар мамлакат раҳбариятининг доимий диққат-эътиборида турибди.

Ана шу ғамхўрлик ва эътибор туфайли шаҳардаги 140 километрли сув тармоқларининг 85 фоизи сифатли таъмирланди. "Ўзсувлойиҳа" институти билан ҳамкорликда ерости сизот сувларини қочириш мақсадида "Дўстлик" канали ёқалаб 8180 метрли янги зовур қурилди, 6130 метрли очиқ зовур тозаланди. Умуман олганда, шаҳарда оқова тизимини янгилаш учун умумий ҳажми 7 млрд. сўмлик лойиҳани амалга оширишга киришилди ва бу кўламдор вазифа 2007 йил адоғида ниҳоясига етказилади. Мухтасар қилиб айтганда, шаҳар деярли қайтадан тикланаяпти.

— Шу кетишда чўлқуварлар шаҳри боғу бўстонга айланса, ажаб эмас...

— Шундай бўлади ҳам. Сабаби — бугун шаҳарни юз фоиз кўкаламзорлаштириш имконияти юзага келтирилди. Шу йил баҳорида уюштирилган ҳашарларда барча корхона ва ташкилотлар, шаҳар аҳли фаол иштирок этди. Кўкаламзорлаштириш ойлигида 1,5 млн. тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари, арча, сарв, элдорадо қарағайи, гул ниҳоллари экилди. Бугунги кунда «Абдураҳмонов», «Тошкент», «Ўзбекистон», «Олчазор» кўчалари, «Аҳиллик» маҳалласи, 2-мавзе, «Улуғобод» аҳоли қўрғони яшил либосга бурканди.

Айни пайтда шаҳримизда салкам 18 минг хонадон бор. Агар ҳар бир оила йилига лоақал бир тупдан кўчат экиб, унинг парваришини ўз зиммасига олса ҳам, яқин йилларда Гулистон ҳақиқатан ҳам ўз номига муносиб гўшага айланади.

— Қурилиш ишлари яна давом эттириладими?

— Албатта. Бош режа асосида аҳоли турар жойлари, янги мактаблар, шифохоналар, спорт иншоотлари, темир йўл устидан яна бир осма кўприк қурилади. Бундан ташқари, шаҳар ободончилигига йирик корхоналар, ишбилармон ва тадбиркор инсонлар ҳам муносиб ҳисса қўшишаяпти. Масалан, вилоят марказий электр тармоқлари корхонаси 50 млн. сўм сарфлаб, 2-мавзеда пайдо бўлган сунъий ботқоқни қуритди. "Сирдарёавтойўл" бирлашмаси "Шоҳруҳ" спорт саройини қуриб берди. Тадбиркор Холматовлар оиласи эса шахсий жамғармаси ҳисобидан болалар спорт мажмуини барпо этди.

— Исроил Йўлдошевич, O`zLiDeP аъзоси сифатида сиёсий партияларнинг жамиятда тутган ўрнига қандай баҳо берасиз?

— Ижобий. Чунки жамият ҳаётининг турли жабҳаларида демократик қадриятларнинг қарор топиши, фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишида сиёсий партияларнинг роли ва ўрни жуда катта. Улар аҳоли турли табақаларининг сиёсий манфаатларини ифода этибгина қолмасдан, балки бу манфаатларни шакллантиришда ҳам бевосита иштирок этмоқдалар. Шу маънода Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаолиятини тўлиқ маъқуллайман. O`zLiDeP ўз ғоя ва мақсадларини тарғиб қилишдан ташқари, уларнинг амалда қўлланилишига ҳам эришаяпти. Электоратининг катта қисмини ташкил этувчи тадбиркор ва ишбилармонлар, хусусий бизнес вакиллари, фермерларни қўллаб-қувватлаётгани, уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя этаётгани бунинг ёрқин мисолидир. Умуман олганда партиямиз ўз саъй-ҳаракатлари билан амалиётчи партия эканлигини намойиш этмоқда.

— Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг азалий қадриятларидан ҳисобланади. Ҳадемай барчамиз истиқлолнинг 15 йиллигини нишонлаймиз. Ушбу қутлуғ санага гулистонликлар қандай совғалар билан келишаяпти?

— Келинг, бу сафар анъанадан бироз чекиниб, бирма-бир рақамларни келтириб ўтирмайлик. Гулистонликлар энг улуғ ва энг азиз байрамимизни яхши кайфият, кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқдалар. Шунинг ўзи бизнинг энг катта ютуғимиздир. Мен эса имкониятдан фойдаланиб "XXI asr" газетаси орқали барча юртдошларимизга ҳам ана шундай кайфият ва кўтаринки руҳ тилайман.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

БУНЁДКОРЛИК

Қорасув шаҳрида 175 та оила учун алоҳида мавзе бунёд этилаяпти. Янги маҳалла "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги" деб номланади. Айни пайтда кўплаб турар жой биноларининг девори тикланиб, томи ёпилди.

Байрам янги уйда нишонланади

Ўз мухбиримиз

Кўрғонтепа тумани бош меъмори Алишер Турсуновнинг таъкидлашича, қурилиш ишларини тез ва соз амалга ошириш учун етарлича техника жалб қилинган. Кунига ўнга яқин автокран, грейдер, бульдозер, экскаватор, 36 та юк автомашинаси ишлаяпти.

Янги маҳалланинг бош меъморий режаси бўйича бу ерда тўйхона, гузар, бир неча савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, йирик супермаркет қад ростлайди. Пухта ўйланган инфратузилма иншоотлари ҳам бир вақтда барпо қилинаётгани мақсадга мувофиқ бўлаяпти.

Мутасаддилар айтишларича, янги маҳаллада электр энергияси, табиий газ ва ичимли сув таъминотида ҳеч қандай узилиш бўлмайди. Чунки бу соҳаларга жиддий талаб қўйилган. Алоқа тармоғи бенуқсон ишлайди. Алоқачилар магистрал кабель учун қўшимча 13 та симёғоч ўрнатишди.

— Илгари битта хонадонда 2 та оила яшардик, — дейди «Шаҳрихонсой» кўчаси, 48-уйда истиқомат қилувчи Абдуллажон Каримов. — Мана энди укам ва бувимга алоҳида 6 сотихдан ер участкаси ажратилди. Кўп болали бўлганим учун менга ҳам 6 сотихли ер участкасида янги уй қуриб беришаяпти. Янги уйим сифатли қурилишига Қўрғонтепа сув хўжалиги қурилиш акциядорлик жамиятининг жамоаси ҳомийлик қилаяпти. Шунинг учун ҳам бино ниҳоятда тез қурилмоқда.

— Бизнинг ҳовли илгари беш сотих эди, — дея суҳбатимизга қўшилди «Шаҳрихонсой» кўчаси, 56-уйда яшовчи Жамилахон Абдуллаева. — Унда мен, уч опам, 6 нафар фарзандим бирга турардик. Хайриятки, шу қурилиш баҳонасида муаммоларимиз ўз-ўзидан ҳал бўлаяпти. Кўп болали бўлганим учун менга бепул янги уй қуриб беришаяпти. Опамга алоҳида — 6 сотихли ер участкаси ажратилиб, уй қурилишига 3,5 миллион сўм берилди. Опа-сингиллар, бола-чақаларимиз, барчамиз ниҳоятда хурсандмиз.

Мустақиллик байрами кунлари бу ерда қўшалоқ тантаналар бўлади — Ватанимиз юбилейи ҳовли тўйларига уланиб кетади.

ҒАМХЎРЛИК

Яқинда пайариқлик бир гуруҳ ўқувчилар Тошкент вилоятининг Пискент туманида жойлашган "Тонг" болалар оромгоҳида дам олиб қайтишди.

Болаларнинг қувончи чексиз

Назокат ШЕРБОЕВА, «XXI asr» мухбири

Эътиборга молик томони шундаки, оромгоҳдан қайтаётган ҳар бир болага спорт кийимлари ва кроссовкалар, ўйинчоқ ва ширинликлардан иборат совғалар улашилибди.

— Фарзандларимизга мароқли ҳордиқ чиқаришларида ҳомийлик қилган Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори, Сенат аъзоси Қувондиқ Санақуловга барча қишлоқдошларимиз номидан чексиз миннатдорлик билдираман, — дейди "Каттасайдов" маҳалласи фуқароси Хайринисо Хўжанова. — Эсимни танибманки, қишлоғимиз болалари бирон оромгоҳга боришмаган эди. Қувондиқ ака фарзандларимизга ширин хотиралар тортиқ этди. Ростини айтганда, биз айни иш қизиган пайтда болаларимизни оромгоҳларга жўнатиш ҳақида ўйлашга ҳам вақт топмасдик.

— Куни кеча яна 30 нафар ўқувчи "Тонг"да дам олиш учун жўнаб кетди. Улар асосан кам таъминланган оилалар ва фермерларнинг фарзандларидир, — дейди туман касаба уюшмалари қўмитаси раиси Камолиддин Ғадоев.

Олмалиқ кон-металлургия комбинати раҳбарияти ҳомийлигида туманимиздаги "Камалак" оромгоҳида чўмилиш ҳавзаси қуриб, фойдаланишга топширилгани ҳам эътиборга лойиқдир.

ТАДБИР

Қутлуғ айёмга бағишланди

O`zLiDeP Яккасарой туман кенгаши ташаббуси билан "Дилбар — давр қизи" хусусий корхонаси, туман "Оила", «Маънавият ва маърифат» марказлари ҳамкорлигида истиқлолнинг 15 йиллигига бағишлаб "Мустақиллик — олий неъмат" деб номланган байрам тадбири ўтказилди.

Ўз мухбиримиз

Уни O`zLiDeP Яккасарой туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг депутати Т. Юнусметов қисқача кириш сўзи билан очиб, анжуман иштирокчиларини кириб келаётган байрам — Мустақиллик куни билан муборакбод этди.

Тадбир ташкилотчилари томонидан безатилган байрам дастурхони анжуманга ўзгача кўрк бағишлади, меҳмонларга ўзбек урф-одатларига мувофиқ байрам палови тортилди.

Анжуман якунида "Хуршид" маданият уйи санъаткорлари, Абдулқосим ота бошчилигидаги аскиячилар гуруҳи ҳамда 358-боғча тарбияланувчилари ўз куй ва қўшиқлари, рақслари ҳамда қизиқ-қизиқ ҳангомалари билан меҳмонларни хушнуд этдилар.

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш марказида шу мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда бир қатор нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, шу жумладан, O`zLiDeP аъзолари, "Олима" аёллар маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари иштирок этдилар.

«Соғлом оиладан — соғлом жамият сари»

Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

"Мадад" деб ном олган Оилани ижтимоий ҳимоя қилиш маркази раҳбари З. Кенжаева давра суҳбати қатнашчилари диққат-эътиборини кейинги пайтда бу ерда амалга оширилган ишларга қаратди. Нотиқ таъкидлашича, марказ ўз фаолиятини бошлаганидан бери 400 нафарга яқин аёлга саломатлигини билан боғлиқ йўл-йўриқ ва маслаҳатлар берилган. "Ўзаро муносабатлар психологияси", "Оиладаги келишмовчиликлар ва эр-хотин ажралишининг олдини олиш", "Оила асосларини мустаҳкамлаш", "Ота-оналар ва болалар ўртасидаги муносабатлар" мавзуларида ўқилган маърузаларни ўз ичига олган семинар машғулотлари ҳам репродуктив ёшдаги ва барча хотин-қизлар учун фойдали бўлди, деб бемалол айтиш мумкин. Маънавий-маърифий йўналишдаги семинар машғулотларини вақти-вақти билан ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор берилаяпти.

Давра суҳбатида сўз олган Бухоро шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси раиси М. Низомова, "Истиқболли авлод" маркази раҳбари А. Ҳусановалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

ХУШХАБАР

Кармана туманидаги Жалоир қишлоғида янги шифо маскани фойдаланишга топширилди. Уни «Шарқ қурилиш сервис» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари қисқа фурсатда бунёд этдилар.

Жалоирнинг янги шифохонаси

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Замонавий талабларга жавоб берадиган ушбу қишлоқ-врачлик пунктида терапия, гинекология, стоматология, физиотерапия, ташхис қўйиш ва муолажа хоналари, кундузги стационар мавжуд.

Ўн нафар врач ва ҳамшира хизмат қиладиган шифо маскани шу ҳудуддаги беш мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатади.

— Иссиқ жон иситмасиз бўлмайди, — дейди шу қишлоқда истиқомат қилувчи Норгул Қулматова. — Қишлоғимизда касалманд кишилар, ногирон ва қариялар бор. Туман марказидан анча олисда яшаймиз. Шу боис янги шифохонанинг очилиши барчамизни беҳад мамнун этди.

2006 йил 17 август
Пайшанба
32 (138) -сон
www.21asr.com
ASR

ИСЛОҲОТ

БАНКЛАР сармоялаш жараёнининг муҳим бўғини, мамлакат ривожидан манфаатдор бўлган тадбиркорларнинг содиқ ҳамкоридир

Микрокредитлар халқ фаровонлигига хизмат қилади

АТ "Микрокредитбанк" бошқаруви раиси Жамшид САЙФИДДИНОВ билан мулоқот

MIKROKREDITBANK

Мустақиллик йилларида барча соҳада бўлгани сингари мамлакатимиз банк-молия тизими ҳам бутунлай янгиланиш босқичларини босиб ўтди. Бугун юртимизда 30 дан ортиқ тижорат банклари фаолият кўрсатаётган бўлса, улар орасида "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки ҳам ўз ўрнини топа олди, дейиш мумкин.

Насиба Исматова суҳбатлашди

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида"ги 2006 йил 5 майдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Микрокредитбанк" акциядорлик-тижорат банки фаолиятини ташкил этиш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ўз фаолиятини бошлаган банкимиз мамлакатимизда бевосита микрокредит ва микролизингга оид хизматларни амалга оширувчи ягона молиявий муассаса ҳисобланади.

Ҳозирги кунда банкимиз мижозлари сони 50 мингтадан ошиб кетди. Уларнинг асосий қисми, яъни 50 фоиздан зиёдини фермерлар, 5 фоизини деҳқон хўжаликлари, 12 фоизини якка тартибдаги тадбиркорлар, 20 фоизини кичик корхоналар, қолган қисмини бошқа турдаги хўжалик юритувчи субъектлар ташкил этади.

Банкларни иқтисодиётимизнинг қон томирларига қиёслашади. Бу — бежиз эмас. Айниқса, ихтисослашган банкларнинг бозор иқтисодиёти шароитида тутган ўрни ва роли жуда катта. Энди бизнинг банк фаолиятига тўхталадиган бўлсак, у бевосита тадбиркор ва ишбилармонлар, хусусий бизнес билан шуғулланиш орзусидаги фуқароларимизга хизмат кўрсатади.

Айни пайтда банкимиз, жойлардаги филиалларимиз кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида аҳолига хизмат кўрсатишни ҳар томонлама кучайтириш учун бор имкониятларини сафарбар этмоқда.

Банкимиз жамоаси олдига қўйилган вазифа ўта масъулиятли ва айни пайтда фахрлидир. Чунки бугунги кунда кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш нафақат иқтисодиёт тараққиётига хизмат қилади, балки қишлоқ инфратузилмасини ўзгартириб, кўплаб янги иш ўринларини юзага келтиради.

— Айни пайтда республикамизда 30 дан зиёд банк фаолият юритаяпти. Уларнинг аксарияти юридик ва жисмоний шахсларга турли хизмат турларини таклиф этмоқда. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида рақобат деган гап ҳам бор...

— Фикрингизни тушундим. Биз — соғлом рақобат тарафдоримиз. Чунки рақобат бўлмаган жойда тараққиёт ҳам бўлмайди. Лекин бундай шароитда мижозлар кўнглини топиш осон эмас, албатта. Шу боис ўз ички имкониятларимиздан самарали фойдаланган ҳолда микрокредит ва микролизинг бўйича хизматларни янада кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этишга эътиборни кучайтираяпмиз.

Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бугунги кунда дунёдаги етакчи халқаро молия ташкилотларининг эътибори кўпроқ ривожланаётган ва иқтисодиёти ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларга қаратилмоқда. Республикамизда ихтисослашган "Микрокредитбанк" фаолият бошлагани эса, халқаро молия институтларида қизиқиш уйғотмоқда. Бу, ўз навбатида хорижий молия ресурсларини мамлакатимизга янада кенгроқ жалб этиш имкониятларини очаяпти.

"Микрокредитбанк"ни ташкил этишдан мақсад, биринчи навбатда тадбиркорлик фаолиятини энди бошлаётганларни дастлабки сармоя билан таъминлашдир. Шу маънода кичик кредитнинг йирик кредитларга нисбатан қандай имтиёзли томонлари бор?

— Юқорида таъкидлаганидек, бизнинг банк асосан кичик бизнес субъектлари, деҳқон ва фермер хўжаликларига, оддий касб-ҳунар эгаларига хизмат кўрсатади. Яна бир жиҳати — банк то кредит ажратгунга қадар бўлажак тадбиркорда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантиришга ҳам ҳисса қўшади. Яъни ўзининг бўлажак мижозларига бепул консалтинг хизмат кўрсатади. Махсус семинарлар ўтказиб, бериладиган микрокредитлар, кўрсатиладиган лизинг хизмати турлари ва механизмлари, бизнес-режа тузиш тартиб-қоидалари атрофлича ўргатилади.

— Кредит миқдорлари қандай?

— Бошланғич сармояни шакллантириш учун юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркор учун энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдорида 5 фоизли ставка бўйича 18 ой муддатга, юридик шахс ҳисобланган микрофирма ёки деҳқон хўжаликларига энг кам иш ҳақининг 100 баробари, фермер хўжаликларига эса 200 баробари миқдорида кредит ажратилади. Шунингдек, кичик тадбиркорлик субъектлари — микрофирма, кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларига бизнесни янада ривожлантириш ва айланма маблағларни тўлдиришга 2 йил муддатга Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан юқори бўлмаган фоизларда энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдорида, микролизинг бўйича қишлоқ хўжалик техникаси, эҳтиёт қисмлар ва бошқа асосий воситалар сотиб олишга 3 йил муддатга Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган ставкада энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорда кредит берилади.

— Кўриниб турибдики, банк мижозларининг асосий қисми қишлоқ жойларда яшовчи фуқаролардир. Бундай катта ҳудудга хизмат кўрсатишда қандай муаммолар юзага келаяпти?..

— Айни пайтда банкнинг мамлакатимиз бўйлаб 75 та филиали, 160 та мини-банки фаолият кўрсатаётганини назарда тутсак, асосий қийинчиликлар ортда қолганини сезиш мумкин. Ҳаттоки, айрим шохобчаларимиз энг олис қишлоқларда жойлашганлигига қарамай, мижоз манфаатидан келиб чиққан ҳолда фаолият кўрсатишга бирламчи эътибор қаратаяпмиз. Лекин бу билан кифояланиб қолаётганимиз йўқ. Йил охиригача филиалларимиз сонини 100 тадан ошириш, мини-банкларни эса камида 200 тага етказишни режалаштирганмиз. Иш фаолиятимиз ҳам шу асосда ташкил этилган.

Жорий йилда банкимиз пахтачилик йўналишига 71532077,25 минг, ғаллачиликка 13421382,30 минг сўм ажратди. Лизинг йўли билан қишлоқ мулкдорларига 44 та трактор, 51 та культиватор, 100 дан ортиқ мотор, тиркама мосламалар, эҳтиёт қисмлар олиб бердик.

— Бугунги кунда банк хизматини замонавий техника жиҳозлари, алоқа воситалари, интернет тизими ва хоказосиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада "Микрокредитбанк"нинг имкониятлари қандай?

— Банк бошқаруви замонавий банк хизматлари турларини кўпайтириш мақсадида жойлардаги филиаллар ва мини-банкларни бугунги кун талаблари даражасида жиҳозлаш, мижозларга ҳам, банк хизматчиларига ҳам қулай шарт-шароит яратишга алоҳида эътибор бермоқда. Шу йўналишда республика Банклар ассоциацияси томонидан ўтказилган тендерда ғолиб чиққан Sercotec Selecllc компанияси билан шартнома туздик. Ана шу ҳужжат асосида 100 млн. дона пластик карточка, 300 дона терминал ва турли банкларнинг пластик карточкаларига хизмат кўрсатадиган DUET дастури бўйича ишлайдиган жиҳозлар келтирилди.

Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига, жойларга 300 та терминал ўрнатилди, мижозларга 93900 та пластик карточка тарқатилди. Натижада ўтган қисқа муддатда 1609,23 минг сўмлик нақд пулсиз ҳисоб-китоб амалга оширилди.

— Бажарилган ишлар кўлами салмоқли, албатта. Энди уларнинг ижрочилари, яъни банкда фаолият юритаётган кадрлар, уларга яратиб берилган шарт-шароитлар тўғрисида ҳам қисқача гапириб берсангиз.

— Кадрлар барча соҳаларда ҳам ҳал қилувчи куч ҳисобланади. Шу боис, мутахассислар билими ва тажрибасини оширишга биринчи даражали аҳамият берилаяпти. Яқинда филиалларнинг ходимлари, кредит бўйича мутахассисларнинг икки кунлик семинар-ўқувини ташкил этдик. Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Банк-молия академияси, Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда вилоятларда ҳам мутахассисларимиз, ҳам мижозлар учун семинар-ўқувлар ўтказаяпмиз. Ҳозиргача 300 нафардан зиёд мижоз микрокредитлар бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш тартиби, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, касаначилик билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи ва фермер хўжалигида банд бўлганлар учун бизнес-режа тайёрлаш бўйича доимий ўқув курсида ўқиди.

Хулоса қилиб айтганда, банкимиз жамоаси Ватанимизнинг янада гуллаб-яшнаши, иқтисодиётимиз равнақи, халқимиз турмуш даражасининг юксалиши, корхоналаримиз ривожланишига муносиб ҳисса қўшиш учун бор имкониятларини ишга солаверади.

> Жорий йилда банкимиз пахтачилик йўналишига 71532077,25 минг, ғаллачиликка 13421382,30 минг сўм ажратди. Лизинг йўли билан қишлоқ мулкдорларига 44 та трактор, 51 та культиватор, 100 дан ортиқ мотор, тиркама мосламалар, эҳтиёт қисмлар олиб бердик.

БАНК ТИЗИМИ

Маҳаллийлаштириш дастури амалда

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ўз автомобилсозлигига эга бўлгач, бу соҳада қўшимча хизматлар ва тармоқлар фаолиятини йўлга қўйишга ҳам катта эҳтиёж сезилмоқда. Кейинги йилларда Фарғона вилоятида самарали фаолият кўрсатиб келаётган "Евро-Азия-ТАПО-Диск" қўшма корхонасида ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётир.

Айни кунларда 52 турдаги авто-диск ғилдираклари ишлаб чиқарилаётган қўшма корхонада 532 нафар малакали мутахассислар тўрт сменада узлуксиз фаолият олиб бормоқдалар.

Биргина ўтган йилнинг ўзида 359 млн. соф фойда билан чиқилганлиги ҳам корхонада ишлар жуда яхши йўлга қўйилганидан далолат беради, албатта. Айтиш жоизки, яқингача ҳам корхона маҳсулотларининг қарийб 80 фоизи хорижга экспорт қилинар эди. Эндиликда эса, Андижондаги "ЎзДЭУ" корхонаси билан келишувга мувофиқ 50 фоиз маҳсулотлар мазкур корхонага етказиб бериладиган бўлди. Ўз навбатида бу ҳамкорлик ҳукуматимизнинг маҳаллийлаштириш дастури талабларига айнан мослиги билан ҳам аҳамиятлидир.



АМАЛИЙ САНЪАТ

Ўзбекистон Бадиий академиясининг марказий кўргазмалар залида "Навқирон Ўзбекистон-2006" анъанавий санъат фестивалининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Санъат фестивали бошланди

Шаҳринисо ҚЎЛДОШЕВА

Ушбу фестиваль "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ва Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамкорлигида ҳар икки йилда бир маротаба ўтказилади. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир иштирокчилари сони йил сайин ортиб бормоқда ва бу гал унда 200 нафар ёш ижодкор ўз асарлари билан қатнашмоқда. Фестивални ташкил этишдан асосий мақсад, тасвирий ва амалий санъатда ёш истеъдодларни аниқлаш, уларни ижодий-маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда ижодини кенг тарғиб этиш, ёш истеъдодларни мукаммал асарлар яратишга рағбатлантиришдир. Энг яхши асарлар учун қуйидаги номинациялар белгиланган: дебют, ўзига хослик ва замонавийлик, маданиятлар мулоқоти, концептуал замонавий лойиҳалар, сулолалар давомийлиги, замонавий санъатда анъанавий мактабни сақлаш, замонавий санъатда инновацион лойиҳалар, санъатда анъанавий шаклларни сақлаш ва ривожлантириш.

Иштирокчилар бажарган ишлар нуфузли ҳайъат томонидан баҳоланади. Ҳайъат таркибида хорижий мутахассислар ҳам бор.

Фестиваль доирасида таниқли рассомлар, санъатшунос мутахассислар билан учрашувлар, анъанавий ва замонавий санъат муаммоларига бағишланган мунозаралар, мастер-класс каби ижодий тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган. Энг фаол иштирокчилар кейинчалик ҳам ташкилотчилар томонидан қўллаб-қувватлаб турилади ҳамда турли хил тадбирларга жалб этиб борилади. Санъат анжумани бир ой давом этади.

«XXI ASR» ХАТҚУТИСИДАН

Саволларга ҳуқуқшунос Акром БЕРДИМУРОДОВ жавоб беради.

Янги фермерга — 5 йиллик имтиёз

"Тугатилган ширкат хўжаликлари негизида барпо этилган фермер хўжаликларига ер солиғи тўлашда маълум имтиёзлар бор экан. Улар нималардан иборат?

Э. ФАРМОНОВ. Қибрай тумани".

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2006 йил 9 январдаги ПФ-3709 сонли Фармонига мувофиқ, тугатилаётган ширкатлар негизида барпо этилган боғдорчилик ва узумчилик фермер хўжаликлари улар давлат рўйхатидан ўтган пайтдан бошлаб ягона ер солиғи тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинадилар. Солиқ тўлашдан бўшайдиган маблағлар эса, мақсадли тартибда мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришга, боғ ва токзорлар барпо этиш ҳамда уларни кенгайтиришга йўналтирилади".

Аттестация низом асосида ўтказилади

"Халқ таълими тизимида кадрларни аттестациядан ўтказиш ва малака тоифасини бериш қайси қонун ёки меъёрий ҳужжат асосида амалга оширилади?

З. ҲАБИБОВА. Ўзбекистон тумани".

Соҳа ходимларини аттестациядан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими вазирликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг 2005 йил 30 декабрдаги "Раҳбар ва педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш ва уларга малака тоифалари бериш тартиби тўғрисида низом"ни тасдиқлаш ҳақида"ги 105,42,01-356 сонли қарори асосида ўтказилади.

Ушбу меъёрий ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2006 йил 18 январда 1540-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Меҳнат кодекси барчага бирдай тааллуқли

"Мен шаҳримиздаги қўшма корхоналардан бирида ишлайман. Ҳозирги вақтда фарзанд кўрганлигим сабабли, уйдаман. Корхона маъмурияти штат қисқариши муносабати билан мени ишдан бўшатмоқчи. Шу тўғрими?

С. САТТОРОВА. Самарқанд шаҳри".

Йўқ, тўғри эмас. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида белгиланишича, ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган боласи бор аёлларни (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор ёлғиз оналарни) маъмурият ташаббуси билан ишдан бўшатишга йўл қўйилмайди. Корхона, муассаса, ташкилот бутунлай тугатилган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолларда уларни албатта бошқа ишга жойлаштириш шарти билан ишдан бўшатиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган аёллар муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тугагани сабабли ишдан бўшатилганида ҳам маъмурият уларни албатта ишга жойлаштиради. Ишга жойлаштириш муҳлати эса, меҳнат шартномаси (контракт) тугаган кундан эътиборан уч ойдан ошмаслиги керак.



АҲОЛИНИНГ СИҲАТ-САЛОМАТЛИГИНИ ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИШ, УЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҚОИДАЛАРИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ШИФОКОРЛАРНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ҲИСОБЛАНАДИ.



«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ, «НАМАНГАНГАЗ» ҲУДУДИЙ КОРХОНАСИ ҲАМДА БОШҚА ТАШКИЛОТЛАР ҲИСОБИДАН 85,1 КИЛОМЕТР МАСОФАГА ЯНГИ ГАЗ ТАРМОҚЛАРИ ТОРТИЛДИ.

«XXI ASR» IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI WWW.21ASR.COM

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ИШОНЧ РУҲИНИ СИНГДИРА ОЛГАН КУЧГИНА ЖАМИЯТДА УСТУВОР МАВҚЕГА ЭГА БЎЛА ОЛАДИ

«Соғлом авлод — миллат таянчи»

— дейди болалар шифокори, бошланғич партия ташкилотининг етакчиси Хуршида ХАЛИЛОВА

Эли соғлом юрт қудратли бўлади. Унинг фуқаролари билими, иқтидори, интилиши ва меҳнати билан мамлакатни бойитадилар, иқтисодий юксалишга таянч бўладилар. Қолаверса, ўз турмушларини ҳам фаровон қилиб, оилаларини мустаҳкамлайдилар. Соғлом авлод тарбиясига мутасадди муассасаларга ҳамиша алоҳида эътибор бериб келинганининг боиси ҳам ана шунда.

Аъзам ҚОДИРОВ, «XXI asr» мухбири

Хуршида ХАЛИЛОВА, **1959 йили туғилган. Маълумоти — олий. Андижон давлат тиббиёт институтини тамомлаган. Айни пайтда Андижон шаҳридаги 2-болалар клиник шифохонасининг бош шифокори, O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси.**

— 2- болалар клиник шифохонаси Андижон шаҳрининг 27 минг нафар аҳолисига хизмат кўрсатади, — дейди мазкур муассаса раҳбари Хуршида Халилова.

— Қарийб 15 мутахассисликдаги 55 нафар врач, 100 нафар ҳамшира, ўнлаб техник ходим ҳудуд аҳолиси саломатлиги учун ўзини масъул, деб билади. Уларнинг аксарияти ўз бурчига садоқатли, фидокор инсонлардир. Масалан, кўкрак ва кичик ёшдаги болалар бўлими мудири Обиджон Сотқинов, маҳалла врачларидан Насимахон Холбоева, Маҳфузахон Шокирова, Шарофатхон Рустамова, 2-болалар поликлиникаси катта ҳамшираси Маҳмудахон Маматиминова, кардиология бўлими ҳамшираси Барнохон Набижонова, 4-болалар поликлиникасидан Одинахон Роҳатуллаева каби малакали ходимларимиз билан жамоамиз аъзолари ҳақли равишда фахрланадилар.

Хасталикларни даволаш учун биринчи навбатда, дори-дармон зарур. Аммо, шу билан бирга, табобат амалиётида яна бир даво усули ҳам бор. Бу шифокорнинг ширин сўзи, бемор билан самимий муносабатидир. Бу, ўрни келганда, доридан ўткирроқ малҳам вазифасини ўтайди. Жамоамиз аъзолари ушбу ақидага қатъий амал қилаётир.

— Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан тиббиётга эътибор янада кучайди. Махсус Давлат дастури қабул қилинди. Бундай эътибор сиз раҳбарлик қилаётган шифо масканида қай даражада ўз аксини топаяпти?

— Ушбу дастурга асосан, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан замонавий УЗИ аппарати ва компьютер ажратилди. "Меҳр-шафқат ва саломатлик" жамғармаси ҳамда "Фахр нур" хусусий корхонаси ҳомийлигида шифохонамизнинг барча бинолари таъмирланиб, даволанаётган беморлар учун ҳам, ходимларимиз учун ҳам қулай шароит яратиб берилди. Янгидан олти ўринли реабилитация бўлими, қисқа фурсатли ҳордиқ чиқариш хонаси ва кутубхона барпо этилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан, ҳар бир тиббиёт ходимининг олиб турган ўртача ойлик маоши 1,33 бараварга кўпайди. Шунингдек, ходимлар малакасини оширишга ҳам эътибор кучайди. Агар ўтган йили 13 нафар шифокор ва 21 нафар ҳамшира касб малакасини оширган бўлса, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 12 нафар шифокор Андижон тиббиёт институти малака ошириш факультетида, 14 нафар ҳамшира ўрта тиббиёт ходимлари малакасини ошириш мактабида қайта тайёрловдан ўтказилди. 11 нафар шифокор Тошкент шаҳридаги малака ошириш институтида касб синовидан муваффақиятли ўтиб, олий тоифа олишди.

Жамоамизда қабул қилинган дастурда ходимлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш, уни оммалаштириш ишларига ҳам кенг ўрин берилган. Ходимларимиз ўртасида турли спорт мусобақаларини ўтказиб туриш яхши анъанага айланди. Бундан ташқари, жамоамиз аъзолари фарзандларини соғломлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда "Шифокор" болалар оромгоҳига касаба уюшмаси маблағидан юз минг сўм, маъмурият томонидан 11066,6 минг сўм ажратилди.

— Эл соғлиғини асрашда касалликнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шифохона жамоаси бу борада қандай ишларни амалга ошираяпти?

— Дарҳақиқат, касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Бинобарин, аҳолининг сиҳат-саломатлигини вақти-вақти билан текширувдан ўтказиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзи қоидаларини тарғиб қилиш шифокорларнинг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Шифохонамиз жамоаси ўз тасарруфидаги 2- ва 4-болалар поликлиникалари орқали маҳаллаларда тарғибот-ташвиқот ҳамда тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойида ҳудудимиздаги ҳар бир оиланинг тиббий, ижтимоий-иқтисодий аҳволини ўрганиб, тегишли режа тузиб чиқдик. Диспансер назоратидаги 344 нафар ногирон бола тегишли мутахассислар иштирокида кўрикдан ўтказилди. Касалликлари аниқланган 32 нафар бемор амбулатория шароитида бепул даволанишга олинди.

— Сиз муассаса раҳбари, бошланғич партия ташкилоти етакчиси, халқ депутатлари шаҳар кенгашининг депутати ва O`zLiDeP вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" гуруҳининг раҳбарисиз. Бир пайтнинг ўзида шунча вазифанинг уддасидан чиқиш осон кечмаётгандир?

— Иштиёқ бўлса, ҳаммасига улгуриш мумкин. O`zLiDePдан сайланган депутат сифатида шаҳардаги корхона ва муассасалар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудида партиямиз Дастури, мақсад ва манфаатларини кенг тарғиб қилишни ўзимнинг партиявий бурчим, деб биламан. Шифохонамизда 250 нафарга яқин ишчи-хизматчи бор. Уларнинг 120 нафари партия аъзосидир. Юқоридаги юмушларни амалга оширишда бошланғич ташкилот фаоллари менга яқиндан кўмак беришаяпти. Мен ҳар ишда уларга суянаман, улардан мадад оламан. Тажрибали шифокор, анестезиолог-реаниматолог Ҳакимахон Мақсудова, ҳамширалар Маъмура Қамбарова, Дилдора Раҳмонова, Ирода Жабборова ва бошқалар менинг энг яқин ёрдамчиларимдир. Улар ўз касбларини сидқидилдан адо этиш билан бирга, партия топшириқларини ўз вақтида бажаришга одатланишган. Ўзим эса режа асосида сайловчилар билан тез-тез учрашиб, уларнинг қувонч-ташвишларига шерик бўлишга ҳаракат қиламан.

Байрамлар арафасида кам таъминланган, боқувчисиз оилалар, ногирон ва ёлғиз қарияларнинг ҳолидан хабар олиб, уларга партия номидан совғалар тарқатаяпмиз. Маҳаллаларда тез-тез турли мавзуларга бағишланган тадбирлар ўтказиб турибмиз. O`zLiDeP вилоят кенгаши "Аёллар қаноти" гуруҳи раҳбари сифатида эса, 2006 йилга мўлжалланган ҳаракат дастури асосида иш олиб бораяпмиз. Мақсадимиз, аёлларимизнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий билимларини ошириш орқали партия ғояларини амалиётга татбиқ этишдир. Жамиятда етакчи аёллар захирасини шакллантириш, хотин-қизларни иш билан таъминлашга ҳисса қўшиш, уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, шунингдек, соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказиш ишларида аёллар мавқеини мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор қаратилгандир. Хуллас, иш кўп. Уларнинг барчасига улгуриш осон эмас, албатта. Лекин, юқорида таъкидлаганимдек, дилда иштиёқ бўлса, ҳамма нарсага вақт топилади.

— Сухбатимиз якунида болажонлар шифокорининг тилакларини эшитсак, дегандик.

— Ҳаётда болалар қалбидан-да беғубор, улар кулгусидан-да ёқимлироқ оҳанг бўлмаса керак. Уларнинг доимо соғлом, бақувват ва баркамол бўлишига эришиш жамият олдидаги энг муҳим вазифадир. Бунда, айниқса, биз, шифокорлар масъулияти жуда каттадир. Биз кундалик меҳнатимизда бунга ҳамиша амал қилишга интилаяпмиз.

Имкониятдан фойдаланиб, севимли газетамиз орқали барча юртдошларимизни кириб келаётган улуғ айём — Мустақиллик байрамининг 15 йиллиги билан чин дилдан қутлайман. Хонадонларимиздан ҳеч қачон болажонларнинг ёқимли кулгулари аримасин!

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТЎЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚАРОРИГА АСОСАН ҲАР БИР ТИББИЁТ ХОДИМИНИНГ ОЛИБ ТУРГАН ЎРТАЧА ОЙЛИК МАОШИ 1,33 БАРАВАРГА КЎПАЙДИ. ШУНИНГДЕК, ХОДИМЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШГА ҲАМ ЭЪТИБОР КУЧАЙДИ.

ПАРТИЯ ИНСОН САЛОМАТЛИГИ, ҲОЗИРГИ ДАВР ТИББИЁТИНИНГ ЯНГИ ЮТУҚЛАРИГА ТАЯНГАН ҲОЛДА ДУНЁДА ИЛҒОР ЎРИНЛАРГА ИНТИЛАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ РИВОЖИ, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИКНИ ҲИМОЯЛАШ, УМР УЗОҚЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА КУРАШАДИ.

O`zLiDeP дастуридан

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

O`ZLIDEP ОДИМЛАРИ

Партия нуфузи

илғор ғоялари билангина эмас, балки амалий ишлари билан белгиланади, дейди "Намангангаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси O`zLiDeP бошланғич ташкилотининг раиси Баҳриддин Жалолов

Истиқлолимизнинг ўн беш йиллигини "Намангангаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси жамоаси ҳам ўзининг салмоқли ютуқлари билан қарши олаётир. Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фаоллари меҳнат қилаётган мазкур корхона 8711 километрдан ортиқ газ тармоқлари орқали истеъмолчиларга сифатли хизмат кўрсатиш, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги "Қишлоқ аҳоли жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш учун бор имкониятларини ишга солмоқда.

Одилжон ИНОМОВ, «XXI asr» мухбири

Биргина 2005 йилнинг ўзида янги газ тармоқларини тортиш учун 1671,3 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Ёки маҳаллий бюджетдан 26, аҳоли ҳисобидан 13,7, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси, "Намангангаз" ҳудудий корхонаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳисобидан 85,1 километр масофага янги газ тармоқлари тортилди.

- Ўтган қиш мавсумида табиий газ таъминотида юзага келган муаммоларни бартараф этиш мақсадида Наманган шаҳри, Чортоқ, Уйчи, Косонсой ва Янгиқўрғон туманларидаги айрим аҳоли яшаш ҳудудларида 24 километрлик газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари режалаштирилганди, - дейди корхона бошланғич партия ташкилоти раиси Баҳриддин Жалолов. - Шу кунга қадар 17 километрдан ортиқ тармоқ таъмирланиб, 20 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилувчи хонадонларда табиий газ таъминоти яхшиланди. Бундан ташқари, газ берувчи босимни тақсимловчи қурилма (ГРП)ларнинг 80 фоизига яқини тўлиқ текшириб чиқилиб, мавжуд камчиликлар бартараф этилди ва қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди. Наманган туманидаги "Ғирвонсой", "Шишаки", Наманган шаҳридаги "Ахсикент", "Тўқмоқ" гузарлари, "Шаршара", "Гулистон", "Мустақилликнинг 5 йиллиги" маҳаллалари ҳудудларидаги газ тармоқларини қайта таъмирлаш учун корхона ҳисобидан 63 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Ҳа, мана шундай бунёдкорлик ишларида корхонада меҳнат қилаётган Элмурод Аҳмедов, Ҳамидулло Муродиллаев, Сирожиддин Қосимов, Зоҳиджон Қодиров, Нуриддин Эшматов, Носиржон Ҳолматов сингари O`zLiDeP аъзоларининг ҳиссалари катта бўлаяпти. Улар корхона бошланғич ташкилоти атрофига жипслашиб, мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларни жадаллаштириш ҳамда партиянинг дастурий мақсадларини амалга оширишда фаоллик кўрсатишаяпти.

Баҳриддин ЖАЛОЛОВ, 1958 йилда Наманган шаҳрида туғилган. 1979 йилда Наманган давлат педагогика (ҳозирги НамДУ), 1997 йилда Наманган саноат технологияси институтларини тамомлаган. "Намангангаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси ҳуқуқ ва кадрлар билан ишлаш бўлими бошлиғи ҳамда O`zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

— Партия фаолларининг ўрнак бўлаётганликлари туфайли хайрихоҳларимиз сони кўпайиб бораяпти, — дейди корхона директори, O`zLiDeP аъзоси Абдували Акрамов. — Айниқса, кейинги бир йилда шаҳар ва туман филиалларимизда сафдошларимиз сафи сезиларли даражада ортди. Бу эса, ўз навбатида бошланғич партия ташкилотлари зиммасига янада катта масъулият юклаётир. Буни чуқур ҳис этган, кундалик фаолиятида аҳоли билан яқиндан муносабатда бўладиган бошланғич ташкилот аъзолари касб вазифаларини аъло даражада бажариш билан бирга жойларда O`zLiDeP Дастури ва ғояларини одамларга кенг тушунтириш бўйича ҳам муайян ишларни амалга оширмоқдалар.

— Жамоамизда бошқа сиёсий партия аъзолари ҳам меҳнат қилишади, — дейди биз билан суҳбатда Баҳриддин Жалолов. — Лўнда қилиб айтганда, биз улар билан ўзаро соғлом рақобат асосида иш олиб бораяпмиз. Бу эса, ўз навбатида партия ишини янада жонлантириш, сафларимизни эътиқодига содиқ, диёнатли ва албатта, фидоий ёшлар ҳисобига кенгайтиришимизда қўл келаяпти.

Маълумки, O`zLiDeP мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар орасида бевосита амалий ишлари билан алоҳида ажралиб туради. Бу борада "Намангангаз" қошидаги бошланғич ташкилот амалга ошираётган ишлар ҳам алоҳида эътиборга молик. Хусусан, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастури доирасида Наманган туманидаги "Миришкор" қишлоғи аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш учун БПТ ташаббуси билан 63 миллион сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди. Кам таъминланган хонадонларга ичимлик суви киритиш харажатлари корхона ҳисобидан тўланди. Шунингдек, вилоятдаги 1сонли шифохона, 2-туғруқхона ҳамда 12-,35-,38-умумтаълим мактабларини таъмирлаш учун 10 миллион сўм маблағ ўтказилди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасига 10 миллион сўм ажратилди. Бир сўз билан айтганда, ўтган ярим йил мобайнида "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан турли ҳомийлик тадбирларига 228 миллион 695 минг сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги Ўзбекистон Либерал-демократик партияси аъзолари кўпчиликни ташкил этадиган корхона жамоаси мамлакатимизда юз бераётган туб янгиланишлар, ислоҳотларда фаол иштирок этиб, аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозонаётганидан далолатдир. Бу эса, ўз навбатида бошланғич партия ташкилотининг ва, табиийки, жамиятимизда O`zLiDeP нуфузининг янада ошишига хизмат қилади.

БПТ ТАШАББУСИ БИЛАН 63 МИЛЛИОН СЎМ МИҚДОРИДА ҲОМИЙЛИК ЁРДАМИ КЎРСАТИЛДИ. КАМ ТАЪМИНЛАНГАН ХОНАДОНЛАРГА ИЧИМЛИК СУВИ КИРИТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲАМ КОРХОНА ҲИСОБИДАН ТЎЛАНДИ.



ҚУВА ТУМАНИ ҲОКИМЛИГИ

Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини
энг азиз ва энг улуғ айём -
азиз Ватанимиз мустақиллигининг
15 йиллиги билан
самимий қутлайди.
Мамлакатимиз тинч,
хонадонларимиз файзли,
фарзандларимиз бахтли
ва омадли бўлсин.
Истиқлол қуёши
асрлар оша юртимизни
нурафшон этиб турсин.

«БУХОРОПАХТАСАНОАТ» ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

*Жонажон Ўзбекистонимиз аҳлини,
шижоатли меҳнати билан давлатимизнинг
асосий бойлиги - «оқ олтин»дан
хирмон яратувчи миришкорларни
энг азиз ва қутлуғ айём-мамлакатимиз
мустақиллигининг 15 йиллиги билан табриклайди.
Истиқлол туфайли эришаётган
ютуқларимиз тобора юксалаверсин.
Хонадонларимиз ҳамиша тўкин,
диёримиз тинч ва осуда бўлсин.
Озодлик офтоби Ватанимиз осмонида ҳамиша ёғду таратаверсин.*

BUXOROPAXTASANOAT
XUDUDIY AKSIYADORLIK
BIRLASHMASI

TERRITORIAL JOINT-STOCK
ASSOCIATION
BUXOROPAXTASANOAT

ҚУТЛОВ

ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ



Бутун Ўзбекистон аҳлини ва ўзининг фидокорона меҳнати билан мамлакатимиз равнақига улкан ҳисса қўшаётган фермерларни жонажон Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллиги байрами билан чин дилдан муборакбод этади. Мусаффо осмонимиз остида фаровон турмуш яратаётган ҳар бир юртдошимизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик ва бахт-саодат тилайди. Байрамингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

КИШИНИ табиат яратади, лекин уни жамият камол топтиради ва шакллантиради

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЕВРОПА

Ҳозирги Европанинг демографик муаммолари

БУГУНГИ КУНДА КЎПЛАБ НУФУЗЛИ ДАВРАЛАРДА, МАТБУОТДА ДУНЁ АҲОЛИСИНИНГ СОНИ, УНИНГ ЎСИШ СУРЪАТЛАРИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИДДИЙ МАСАЛАЛАР КЎТАРИЛМОҚДА. ЛЕКИН УЛАР ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК, ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК, ХАЛҚАРО ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ, ЭНЕРГЕТИКА ХАВФСИЗЛИГИ КАБИ ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН МУҲОКАМА ҚИЛИНАЁТГАН АСОСИЙ МАВЗУЛАР СОЯСИДА ҚОЛИБ КЕТАЁТГАНДЕК. ВАҲОЛАНКИ, МУТАХАССИСЛАРНИНГ ФИКРИЧА, АГАР МАЗКУР МУАММОГА ЎЗ ВАҚТИДА ЕЧИМ ТОПИЛМАСА, ДЕМОКРАФИК АҲВОЛ ЯНАДА ЖИДДИЙ МУАММОЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРИШИ МУМКИН.

НУҚТАИ-НАЗАР

■ Шерзод ЭРАЛИЕВ



Айтиш керакки, онасайёрамиз аҳолиси жадаллик билан ўсиб бормоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, дунё аҳолисининг сони йилига 80 миллион кишига кўпайиб, 6,5 миллиардга етган. Икки йилдан кейин бу рақамнинг 7 млрд. дан ошиб кетиши кутилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, аҳолининг ўсиши, асосан Африка ва Осиё қитъалари ҳиссасига тўғри келади. Буни қарангки, дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми яшаётган Хитой оилаларида фарзанд сонини қисқартиришга уриниш бўлаётган бир пайтда Европа давлатларида аҳолининг қариши, аниқроғи - қисқариши кейинги ўн йилликлар учун жиддий ички муаммолардан бири бўлиб қолади. Аҳоли сони бу ерда йилига 900 минг та камайиб бораётгани "кўҳна қитъа"да ҳақли равишда хавотирлик уйғотаяпти.

БМТ аҳолишунослик масалалари билан шуғулланувчи агентлигининг ҳисоботига кўра, айни пайтда 460 миллион киши яшаётган Европа аҳолиси 2050 йилга келиб, 96 млн. га қисқаради. Экспертлар, ўша пайтга бориб, болалар ва қариялар меҳнатга лаёқатли аҳоли сонидан анча ошиб кетади, деб хулоса қилмоқдалар. Европалик олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, яқин йигирма йил ичида Европа Иттифоқи мамлакатларида 80 ёшга етганлар сони ҳозиргидан икки марта кўп бўлади, чунки бу ерда ўртача умр кўриш — 79 ёшга тенг.

Бугун аксарият сиёсатчилар аҳоли сони қанча камайса, муаммо ҳам шунга яраша кам бўлади, деган эскича фикрдан йироқдадирлар. Тарих ҳам давлат раҳбарларининг ўз аҳолиси сонини кўпайтиришга уринганларидан гувоҳлик беради. Масалан, итальян фашизмининг отаси Муссолини "туғмасликка қарши уруш" эълон қилиб, бўйдоқларга катта миқдорда солиқ солганди. Гитлер эса, "олий ирқ"нинг кўпайишига ёрдам берган кўп фарзандли оналарга алоҳида давлат тўловлари ажратган.

Гарчи, ҳозирги Европа шароитида ҳеч ким бўйдоқлиги учун солиқ тўламаса ёки кўп фарзанд кўргани учун мукофот олмаса-да, ҳукуматлар аҳоли сонининг камайиши мамлакат иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши устида жиддий бош қотирмоқдалар. Зеро, аҳоли таркибида меҳнатга яроқлилар сонининг қариялар ва болалардан ортиқ бўлиши жуда муҳим. Чунки соғлиқни сақлаш ва нафақалар учун солиқ тўловчилар қанчалик кўп бўлса, давлатнинг ўз бюджетини бошқариши шунчалик осон кечади.

2050 йилга бориб, 65 ёшдан ошган ҳар бир европаликка ҳозиргидек тўрт эмас, икки нафар меҳнатга лаёқатли фуқаро тўғри келиши тахмин қилинмоқда. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобига кўра, туғилиш ҳар бир аёлга ўртача 2,1 фарзанддан тўғри келгандагина, ЕИ аҳолиси сонини керакли миқдорда сақлаб туриш мумкин бўлади. Eurostat статистика агентлигининг маълумотига қараганда, ҳатто аҳолининг ўсиши Европада энг юқори бўлган Ирландияда ҳам бу кўрсаткич 1,99 га тенг экан. Демографик шароит нисбатан мўътадил бўлган Франция кейинги ўринни эгаллайди. Аксарият давлатларда туғилиш аёл бошига 1,5 дан ҳам паст.

Бундай аҳволдан Европанинг айрим сиёсатчилари ва жамоат арбоблари жиддий ҳавотирга тушишган. Ҳатто айримлар "Европа АҚШ гегемонлигига қарши чиқишни истаётган, лекин Ғарбий яримшар аҳолиси тезроқ ўсаётган бир пайтда бунга қандай эришиш мумкин?" деган мазмундаги риторик саволга жавоб излаяптилар. Дарҳақиқат, агар тахминлар тўғри чиқадиган бўлса, айни пайтда аҳолиси "кўҳна қитъа" дан 160 миллионга кам бўлган АҚШ аҳолиси 2050 йилга бориб, Европаники билан тенглашади.

БМТ демографлари ва европалик мутахассисларнинг фикрича, қитъадаги шароитни иммиграция ҳисобига яхшилаш мумкин. Йилига 600 минг нафар атрофидаги хорижликларни жалб қилиш эвазига ишчилар сони камайиб кетишининг олдини олса бўлади. Лекин Европага бораётганларнинг аксариятини мусулмонлар ташкил этишини ва бунга жавобан Европада исломофобиянинг (исломдан хавф кўришнинг) кучайиб боришини ҳисобга оладиган бўлсак, кўплаб жамоат арбоблари муаммонинг бундай ечими сиёсий жиҳатдан хато, деб ҳисобламоқдалар. Ҳатто демографларнинг хавотирларини бироз муболаға деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг фикрича, фарзанд кўришга бировни мажбур этиш инсон ҳуқуқларига дахл қилиш билан тенг бўлиши мумкин эмиш. Биз биламизки, оила институти Шарқдагидан анча фарқ қилувчи Европа мамлакатларида фарзанд омили жуда кичик роль ўйнайди, баъзи оилаларда ҳатто унга эҳтиёж сезишмайди. Қолаверса, фарзанд кўриш учун ижтимоий тўловларни ошириш каби чоралар мамлакат бюджетига бора-бора салбий таъсир кўрсатиши аниқ.

Шунга қарамай, аксарият Европа мамлакатлари давлат дастури асосида демография сиёсатини қўллай бошладилар. Уларнинг баъзиларида туғилишни кўпайтиришга жиддий интилиш борлигини кузатиш мумкин.

Масалан, ўз демография сиёсати билан фахрланадиган Францияда давлат фарзандли оилаларни солиққа тортишда имтиёзлар берган. Сўнгги олти йилда аҳоли сони ярим миллионга қисқарган Польшада ҳар бир туғилган фарзанд учун онага маълум миқдорда маблағ ажратилишини кўзда тутувчи қонун маъқулланди. Аҳоли сони тез суръатларда қисқариб бораётган Европа давлатларидан яна бири — Италиянинг битта шаҳрида маҳаллий ҳокимият вакиллари туғилган ҳар бир чақалоқ учун 10000 евро миқдорида "суюнчи" тўлашни ваъда қилдилар.

Моддий рағбатлантириш туғилиш самарадорлигини ошириши хусусида якдил фикр йўқ. Айримлар буни таъсирчан восита деб ҳисобласалар-да, сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра, ижтимоий тўловларнинг оширилиши натижасида туғилиш бор-йўғи 0,6 фоиз кўпайиши мумкин. Шу сабабдан бўлса керак, айрим давлатлар моддий рағбатлантириш билан боғлиқ демография сиёсатига бирмунча эҳтиёткорлик билан ёндашаётганини кузатиш мумкин.

Хуллас, бугун Европа давлатлари жиддий муаммога рўпара келиб турибдилар. Барча даврларда насл қолдиришга оила аъзолари масъулиятли вазифа сифатида қарашган. Лекин ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди, деганларидек, фарзанд кўришни истамаётган европаликларни бунинг учун айблаш ҳам тўғри эмас. Чунки бу — уларнинг хоҳиши. Бироқ, агар ҳукуматлар аҳоли сони камайиши миллий хавфсизлик учун жиддий таҳдид, деб ҳисоблайдиган бўлса, у ҳолда маълум демография сиёсатини юритишга тўғри келади. Бу европаликлар онгида инқилобий ўзгаришларга сабаб бўлмаса-да, умумий вазиятга қисман таъсир кўрсатиши мумкин.

ЛИВАН-ИСРОИЛ

Бир нафаслик муроса

Душанба куни Ливан-Исроил чегарасида ярашув ўрнатилганлиги расман эълон қилинди. Унга кўра, Исроил армияси ва "Ҳизбуллоҳ" ташкилотининг ҳарбий бўлинмалари барча жанговар ҳаракатларни тўхтатдилар.

Лекин Тель-Авив тажовуз бўлган тақдирда, ўзини мудофаа қилишини ҳамда Ливан денгиз ва ҳаводан қамалга олинишини айтди. Ливан ҳукумати эса, "Ҳизбуллоҳ"ни қуролсизлантириш масаласини яна ҳал қила олмади. Кузатувчилар бундай шароитдаги ярашув узоққа чўзилишига шубҳа билдирмоқдалар.

Умуман кўпчилик сиёсатчи ва кузатувчиларнинг сўзларига қараганда, қийинчилик билан эришилган муроса узоққа чўзилмайди. Ҳатто Исроил ташқи ишлар вазири Ципи Ливни БМТ Хавфсизлик Кенгашининг уруш ҳаракатларини тўхтатиш бўйича резолюцияси вазиятни ўзгартиришига умид билдира туриб, шундай деди: "Буни Яқин Шарқ дейдилар ва мен барча резолюциялар амал қилишига ишонувчанлардан эмасман".

Берилган баҳонинг адолатлилигини "Ҳизбуллоҳ"ни қуролсизлантириш масаласи ҳавода қолиб кетганлигидан ҳам билиш мумкин. Бу масала юзасидан ташкилотнинг икки вакили аъзо бўлиб кирган Ливан ҳукуматида бир қарорга келиша олмади.

РОССИЯ

Россия Германия ҳукумати билан собиқ иттифоқдан мерос бўлиб қолган қарзнинг 8,14 млрд. евросини Париж клубига олдиндан қайтариш бўйича битим имзолади

Қарзлар узилди

Бундан аввалроқ Москва 22 млрд. доллар миқдоридаги қарзни Париж кредиторлар клубига муддатидан илгари қайтариш бўйича келишувга эришганди. Бу эса, 14 йил мобайнида Россия ҳеч қандай фоиз тўламайди, деганидир. Айни ҳол пул маблағларини тежаш имконини беради, деб ёзади Россия матбуоти.

Москванинг энг йирик кредитори Германия эди. У фоизларни назарда тутиб, қарзнинг муддатидан аввал тўланишига анча қаршилик кўрсатди. Чунки фоиздан тушадиган маблағ Германия бюджетидаги камомадни тўлдириш учун керак бўлаётган эди, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар.

Шу йили Россия молия вазири Алексей Кудрин мамлакат 21 августга қадар Париж клуби олдидаги барча қарзларини узади, дея баёнот берганди. Шундан сўнг Россиянинг собиқ иттифоқдан мерос бўлган қарзи умуман қолмайди.

Қарзни аввалдан узиш натижасида 7,7 млрд. долларни тежаб қолиш мумкин бўлади. Кремль бу маблағни Сармоя жамғармасига ажратишни кўзда тутаяпти.

ЯПОНИЯ

Япония бош вазири Жунитиро Коизумининг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган япон аскарлари хотирасига қурилган Ясукуни ибодатхонасига ташриф буюриши Хитой ва Жанубий Кореянинг жиддий эътирозига сабаб бўлди, дея хабар беради France Presse ахборот агентлиги.

Зиёрат можароси

Коизуми бош вазир бўлган 2001 йилдан буён ҳар йили урушда қурбон бўлган 2,5 миллион япон аскари ёдгорлигини зиёрат қилади. Бироқ Пекин ва Сеул Ясукуни ёдгорлигини япон милитаризмининг тимсоли деб ҳисоблайди ва ҳар йили уни зиёрат қилишларига қарши эътироз билдиради.

Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг баёнотида ёзилишича, Коизуми "халқаро ҳамжамият, қўшни Осиё давлатлари, япон халқининг хавотири ва эътирозига" қарамасдан, ибодатхонани зиёрат қилган. Жанубий Корея Ташқи ишлар вазирлигида Японияннг Сеулдаги элчисига расман эътироз билдирилди. "Бизни япон раҳбарининг бундай ҳаракати жиддий ташвишга солади", — дейилади эътирозда.

Таъкидлаб ўтиш жоиз: Ясукуни ёдгорлигига 1948 йили Токио трибуналида ўлимга маҳкум қилинган ёки турмада ўлган 14 нафар уруш жиноятчисининг ҳоки дафн қилинган.

ТАФСИЛОТЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР,

КУБА

Озодлик оролининг янги валюта манбаи

Узоқ йиллар мобайнида сайёҳлик саноати, сигара ва никель экспорти туфайли ном қозонган Куба бугунги кунга келиб, соғлиқни сақлаш соҳасида эришган катта муваффақиятлари билан ҳам дунёга донг таратмоқда.

ТИББИЙ ДАРОМАД

■ Гулноза ЮСУПОВА

Мамлакат соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотига кўра, йиллик маблағ айланмаси 1,8 млрд доллар ташкил этадиган сайёҳлик саноати шу пайтгача ғазнага валюта олиб келувчи бош соҳа ҳисобланар эди. Аммо, энди вазият ўзгармоқда ва асосий ролни биотехнологик компаниялар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизмат ҳамда вакцина экспорти эгаллаши мумкин. Бундан ташқари, бир неча мамлакатда муваффақиятли ўтган клиник синовлар саратон хасталигини даволаш ва унинг устида тадқиқотлар олиб бориш бўйича Кубани дунёнинг етакчи давлатига айлантирди. Ўтган йили бюджет биотехнологиялар маҳсулотлари экспортидан 300 миллион доллар фойда кўрди. Бу, аввалги йилгига нисбатан икки баробар кўп, демакдир.

Мамлакат бошқа тиббий маҳсулотлар, шунингдек, хорижий мижозларни даволаш ва ташхис ускуналари экспортидан ҳам мўмай даромад қилаяпти. Мисол учун: 2005 йилда Хитойда қўшма корхона очилган бўлиб, Гавана у орқали ушбу давлатга саратон хасталигини даволаш технологияларини етказиб беради. Германиянинг Oncoscience биотехник фирмаси эса, Кубанинг саратон касаллигига қарши TheraCIM h_R3 препаратини клиник синовдан ўтказмоқда. Калифорниянинг Cancervax фирмаси ҳам ракка қарши бошқа дорини синовдан ўтказмоқчи. Вашингтон мазкур препаратни савдо эмбаргоси доирасидан чиқаришга қарор қилганидан сўнг, фирма шундай имкониятга эга бўлди.

Фидель Кастро 1959 йилда ҳокимият тепасига келганида, мамлакатдаги тиббий хизматни жаҳон талаблари даражасига кўтаришни ўз олдига бош мақсад қилиб қўйган эди. Машаққатли изланишлар бесамар кетмади. Озодлик ороли 1990-йилларга келиб, бу соҳада ўзининг дастлабки ютуқларини намойиш эта бошлади. Масалан, ўша йилларда Куба менингит В (бош ва орқа мия пардасининг яллиғланиши) касаллигига қарши вакцина (эмдори) яратиб, сотувга чиқарган дунёнинг биринчи давлати бўлди. Мазкур вакцинанинг экспортидан келган фойда миқдори кутилганидан ҳам ошиб кетди. Кейинроқ гепатит В га қарши вакцинанинг сотувидан ҳам катта даромад олинди. Бу вакцина дунёнинг 30 та давлати, жумладан, Россия, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

Умуман, Кубада биотехнологияларни молиялаш жараёни 1980-йилларда бошланган эди. Ўтган 20 йил мобайнида эришилган натижалар Куба соғлиқни сақлаш соҳасининг келажаги порлоқлигидан далолатдир. Гавана бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Бугунги кунда дунёнинг 68 давлатида 25 минг кубалик шифокор гуманитар миссиясини ўтамоқда; Озодлик ороли мутахассислари цунамидан жабр кўрган ҳудудларда, кучли зилзиладан азият чеккан Кашмирда ҳам фаолият юритишмоқда. Бундан ташқари, биргина ўтган йилнинг ўзида ривожланаётган 47 давлатнинг 1800 нафар мутахассиси Куба таълим муассасаларидан учирма бўлди. Шунингдек, Куба ЖАР каби Африка давлатларига миллий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришда яқиндан ёрдам бермоқда. Венесуэла эса, кубалик шифокорлар хизмати эвазига нефть етказиб беришга рози бўлди. Икки давлат ўртасида яқинда эришилган келишувга мувофиқ, 14 минг нафар кубалик шифокор Венесуэлага йўл олди.

ГАП ҳеч вақт хато қилмасликда эмас, балки уни мардларча тан олиб, ақл билан иш кўришдадир

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ

ФУТБОЛ

Рангсиз ўйин

Кеча футбол бўйича Осиё кубогининг саралаш босқичи доирасида Гонконг термасини қабул қилган Ўзбекистон миллий жамоаси кутилмаганда 2:2 ҳисобида дуранг натижани қайд этиб, афсуски, мусобақанинг 2007 йил Индонезия, Малайзия, Таиланд ва Вьетнам мамлакатларида бўлиб ўтадиган финал қисмида иштирок этиш масаласини сўроқ остида қолдирди.

Шуҳрат ХЎЖАЕВ, «XXI asr» мухбири

Эслатиб ўтиш жоиз: термамиз иштирок этаётган гуруҳда гонконгликлардан ташқари Қатар ва Бангладеш миллий жамоалари ҳам ўрин олган. Кечаги ўйингача вакилларимиз Бангладеш терма жамоасини ўз майдонларида 5:0 ҳисобида мағлуб этишган бўлса, Қатарга қарши Дохада ўтказилган 2-тур учрашувида кичик ҳисобда олдинда бораётиб, ўйин якунлангунча ўз дарвозаларидан кетма-кет иккита жавоб тўпи олиб чиқишга мажбур бўлгандилар.

Юртдошларимизнинг Гонконг терма жамоаси билан ўтказган ўзаро учрашувларига назар ташлайдиган бўлсак, уч ўйиннинг барчасида футболчиларимизнинг қўллари баланд келганини кўришимиз мумкин. Жумладан, 1994 йили термамиз аъзолари Хиросимадаги Осиё ўйинларида ана шу терма жамоадан устун эканликларини (1:0) намойиш этишган бўлса, 2003 йилнинг ноябрь ойида Осиё чемпионатининг саралаш босқичи доирасида ўтказилган икки учрашувда мазкур ижобий натижани қайтаришга эришиб, 1:0 ва 4:1 ҳисобида ғалаба қозонгандилар.

Кеча марказий "Пахтакор" стадионида кўп мингли ишқибозлар кўз ўнгида бўлиб ўтган учинчи тур учрашувида ўз олдиларига анъанага содиқ қолишни мақсад қилиб қўйган В.Непомняший шогирдлари дастлабки дақиқаларданоқ ҳужум уюштиришга киришишди. Аммо ҳисоб 17-дақиқадагина очилди. Рақиб жарима майдонига кирган Максим Шацких тўпни қулай вазиятда турган Анвар Солиевга оширди. Термамизнинг тўққизинчи рақамли футболчиси дарвозани нишонга олишда адашмади. 35-дақиқага келиб, ҳисоб йириклашди. Бу гал кетма-кет уч нафар ҳимоячини алдаб ўтган М.Шацких дарвозани ўзи ишғол қилишга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимда йигитларимизга маҳорат ҳам, омад ҳам етишмади, десак, адашмаймиз. Гарчи ҳужум уюштириш борасида улар рақибларидан қолишмаган бўлсалар-да, керакли натижага меҳмонлар эришишди. Сафонов қўриқлаётган дарвозага 67 ва 87-дақиқаларда киритилган иккита жавоб тўпининг муаллифи захирадан майдонга тушган Шам Квок Кеунг бўлди.

Финал босқичига гуруҳдан икки жамоа йўл олади, демак, вакилларимизнинг кечаги шармандали натижадан сўнг ҳам имкониятлари йўқ эмас. Умид қиламизки, ҳамюртларимиз кейинги учрашувларда мазмунли ўйин кўрсатиб, мухлислари олдидаги қарзларидан қутуладилар.

ОБ-ҲАВО

17-23 август

Соҳа мутахассислари тарқатган маълумотларга кўра, шу ҳафта бошида пасайган ҳаво ҳарорати келаси етти кун давомида сақланиб қолади: кундузги жазирама иссиқлар ўрнини ёз учун ўртача ҳисобланган илиқ кунлар эгалласа, кечалари кузни эслатувчи салқин ҳаво ҳукм суради.

Жумладан, Хоразм, Бухоро, Навоий вилоятларида ва Қорақалпоғистонда ҳаво ҳарорати кечаси 16-19, кундузи **33-36** даража бўлади.

Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳамда Фарғона водийсида ҳафта давомида термометр кўрсаткичлари кечаси 17-20, кундузи **33-37** даражани кўрсатади.

Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида об-ҳаво янада пасайиб, ҳарорат кечаси 15-18, кундузи **29-34** даражани ташкил этади.

Тошкентда ҳам ўтган ҳафтадагига нисбатан салқинроқ об-ҳаво кузатилади. Ҳарорат кечаси 17-19, кундузи **33-37** даража атрофида бўлади.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

21-27 август

ҚЎЙ. Ҳафта бошида бекорчилик сабабли ҳар доимги ишингизга алоқаси йўқ юмушлар билан шуғулланишга мажбур бўласиз. Аммо кўп ўтмай, асосий иш жойингизда ҳам ижобий ўзгаришлар рўй бериб, буюртмалар сони сизни қувонтирадиган даражада кўпайиб кетади.

БУЗОҚ. Ҳафта мобайнида тинимсиз равишда кучингизга куч, қувватингизга қувват қўшилади. Жумладан, иш жойингиздаги муҳит сизнинг фойдангизга ўзгаради. Қолаверса, омад келса, қўша-қўша келади, деганларидек, четдан манфаатли таклифлар олишга ҳам муваффақ бўласиз.

ЭГИЗАКЛАР. Ойнинг 21-кунида шахсий ҳаётингизга оид жиддий муаммоларни ҳал қилишга эришасиз. Ундан сўнг тинимсиз ҳаракат ва кўнглингизга ҳузур бахш этувчи хайрли ташвишлар гирдобида бўласиз. Хонадонингиздаги жиҳозлар жойини ўзгартириш билан жума ёки шанба кунлари шуғулланганингиз маъқул.

ҚИСҚИЧБАҚА. Янги ой чиққандан сўнг, яъни 24-санадан бошлаб бажарилиши лозим бўлган ишларингиз ҳамда эшитадиган янги хабарларингиз ҳажми анча кўпаяди. Шунга қарамай, олдингизга мақсад қилиб қўйган режаларингизни ортиғи билан бажаришга ва янгиликларга ўз муносабатингизни билдиришга муваффақ бўласиз.

АРСЛОН. Ҳафта бошида маънавий ҳордиқ чиқариб, дам олиш кунларига қадар бажариладиган ишларингиз кўламига ижобий таъсир этишга эришасиз. Шанба ва якшанба кунлари эса узоқ юртларга кўчиб кетаётган яқин кишиларингиз ёхуд дўстларингиз билан хайрлашишингиз кутилмоқда.

ПАРИЗОД. Ҳафта мобайнида ҳақ-ҳуқуқларингиз учун тинимсиз равишда курашишга мажбур бўласиз. Аммо курашиш ҳар хил тушунмовчиликлар ва катта-кичик тўқнашувларни келтириб чиқариши табиий. Шундай экан, бу борада эҳтиёткорроқ бўлишга, чегарадан чиқиб кетмасликка ҳаракат қилинг.

ТАРОЗИ. Шахсий ҳаётингизни қизиқарли воқеалар билан бойитишга ҳаракат қилинг. Мисол учун: турмуш ўртоғингизни янги очилган ресторан ёки кафега олиб боринг. Фарзандларингиз билан биргаликда турмуш ўртоғингиз учун антиқа совға тайёрлашни ўйлаб кўринг.

ЧАЁН. Муҳим ишларга тўхталиб, улар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишни ойнинг сўнгги кунларига қолдиринг. Аммо саломатлигингизга эътиборни бирзумга ҳам кечиктирманг. Шифокорлар тавсия этган муолажаларни албатта қабул қилинг.

ЎҚОТАР. Оғир бўлса-да, ўзингизга юклатилган масъулиятни бировга юклатманг. Сабр-бардошли бўлиб, ўз ғамингизни ўзингиз ейишга ҳаракат қилинг. Ойнинг 25-санасидан бошлаб эса учтўрт кун мобайнида ҳаётингизга хавф солиши мумкин бўлган жойларда юрманг.

ТОҒ ЭЧКИСИ. Таълим-тарбия, саломатлик ва уйрўзғор билан боғлиқ йиғилиб қолган бирталай муаммолар ечимини топишга муваффақ бўласиз. Дам олиш кунлари мириқиб ҳордиқ чиқаришдан ташқари, омадли харидларни амалга оширишга ҳам эришасиз.

ҚОВҒА. Мазкур ҳафтада қайсидир маънода сизга сабоқ бўлган оғир кунлардан тўғри хулоса чиқаришга ҳаракат қилинг. Зеро, ана шу "қора кунлар" мақсадларингиз рўёбга чиққач, ҳеч бўлмаганда, ортга қараб шукр қилиш учун яраб қолса, ажабмас.

БАЛИҚ. Ойнинг сўнгги ҳафтасида ўта ҳаракатчан эканликларини намоён эта олган "балиқ"лар ижтимоий зинапоядан одимлаб, юқори кўтарилишга эришадилар. Янги муҳит эса, ўз навбатида уларга олам-олам қувонч ва омад келтиради.

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ
Мухаммадюсуф ТЕШАБОЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ
Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
Адҳам ШАДМАНОВ
Акром АЛИМОВ
Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
Муҳаммадилҳом ЙЎЛДОШЕВ
Аъзамжон РАҲМАНОВ
Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
Бахтиёр ЁҚУБОВ
Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
Илҳом НАСРИЕВ
Мансур ЗОКИРОВ
Мухлиса АКРАМОВА
Маҳмуд САЙДАЛИЕВ
Равшан ОХУНОВ
Раҳматилло КАМОЛОВ
Сирожиддин САЙЙИД
Шуҳрат НОРГИТОВ
Шуҳрат ОРИПОВ
Қиёмиддин НАЗАРОВ
Қобилжон ТОШМАТОВ
Туланбой КАРИМОВ
Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ
Абдували СОЙБНАЗАРОВ
Маркс ЮСУПОВ
Зумрад АБРОРОВА
Носир ТОШЕВ
Ориф ЎЛМАСОВ
Тоҳир МАЛИК
Темур АБДУРАҲМОНОВ
Тоҳир МИРҲОДИЕВ
Улуғбек ЮСУПОВ
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
Шаҳзод НАЗАРОВ
Шуҳрат ОХУНЖОНОВ

МАТН ТЕРУВЧИЛАР
Нигора ЖЎРАЕВА
Замира АҲМЕДОВА

БЎЛИМЛАР
ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:
А. СОЙБНАЗАРОВ, Қ. ҚЎЛДОШЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Буюртма рақами: Г-1057
Тираж: 11156

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нукус» кўчаси, 73А-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:
axborotXXIasr@yahoo.com
XXI_ASR@yahoo.com
XXI_ASR@doda.uz

© «XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР
Миродил АБДУРАҲМОНОВ

XASR ©

БИЗНЕС ҲАМКОРЛАРИМИЗ

ASR

НОШИРЛИК УЙИ
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ
Тел:(998-71)151-29-52.
E-mail: milapress@yahoo.com

БУ АЖИБ ДУНЁ

ЭНГ,ЭНГ,ЭНГ...

Кубсимон тарвузлар

Буюк Британиянинг Tesco компаниясига қарашли бир неча йирик савдо дўконида антиқа, яъни квадрат шаклидаги тарвузлар сотувга чиқди, деб хабар беради ИТАР ТАСС.

Бразилия плантацияларида шаффоф пластик қолипларга солинган ҳолда етиштирилган тўртбурчак тарвузларни Европа давлатлари орасида биринчи бўлиб британияликлар кўрадиган бўлди, дейилади хабарда.

Янги тарвузларнинг ўзига хос шакли уларни махсус идишларга солиб қадоқлаш, савдо расталари ёки музлатгичларга териб қўйиш, энг асосийси — юклаш ва ташишни осонлаштиради. Бунинг оқибатида эса, табиийки, маҳсулотнинг таннархи пасаяди. Жумладан, Лондонда битта квадрат тарвузнинг нархи 5 фунт стерлинг туради. Бу эса оддий тарвуз нархи билан деярли тенгдир.

Кубсимон шаклдаги тарвузларни етиштириш технологияси аслида бундан уч-тўрт йил аввал центсюйлик (Япония) фермерлар томонидан ишлаб чиқилганди. Эътиборли томони шундаки, мутахассисларнинг фикрича, янги технологиялар бўйича етиштирилган тарвузларнинг таъми, ранги, уруғининг майдалиги каби сифатлари ҳам яхшиланган. Шунинг учун бўлса керак, мазкур полиз экини Кунчиқар юртнинг бозорларида тобора кўпроқ учрамоқда.

Шу ўринда тарвуз одамлар томонидан шакли сунъий равишда ўзгартирилган ягона мева эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Маълумотларга кўра, бир неча йил олдин БАА синов майдонларида ана шу йўл билан квадрат шаклдаги помидор ва бодринг ҳосилини олиш ишлари муваффақиятли якунланган бўлса, яқинда германиялик рассом Карл Линце бананларни "тўғрилайдиган" машина ихтиро қилди. Берлинлик 56 яшар Карл "банан-сигара" ишлаб чиқарадиган ихтироси учун патент олишга ариза берган.

САНА

Газетхонлар орасида "Автомобилдан сақланинг" фильми "бош қаҳрамон"ларидан бири — ГАЗ-21 автомашинасини билмаганлар бўлмаса керак. Бу йил "Волга"нинг мазкур русуми ишлаб чиқарила бошланганига ярим аср тўлди.

«Волга» — 50 ёшда

Шу муносабат билан 17 август куни Россия пойтахтининг бош майдонида салкам 500 километрни ташкил этувчи Москва-Владимир-Нижний Новгород шаҳарлари бўйлаб давом этадиган автопойгага старт берилади.

Маълумотларга кўра, байрамона пойгада эндиликда ноёб моделлар қаторидан жой олган "ГАЗ-21" русумли 50 тадан ортиқ автомашина қатнашади. Эслатиб ўтиш жоиз: 1956-1970 йиллар мобайнида Горький номли автомобиль заводида 21-русумнинг, халқ тили билан айтганда, "юлдузчали", "акула жағи" ва "кит мўйлаби" номли уч хил тури ишлаб чиқарилган.

РЕКЛАМА